

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



2021 йил 15 май, №19 (2926)

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

КЎЗИМ ҚАРОФИДА ВАТАН СУРУРИ

3

«ФАЛАБА БОФИ»НИНГ
МАНГУ ФОЛИБЛАРИ

7

«...ФАРБГА ЮГУР,
ЁВГА ЙУҚ ОМОН!»

10

МОДЕРНИЗАЦИЯ
МАҲСУЛИ

9-бета



I ИДОРАЛАРАРО «ДОГ БИАТЛОНИ»
МУСОБАҚАСИ ТАФСИЛОТЛАРИ

Мазкур беллашув Мудофаа вазирлиги ташаббуси
билан Қуролли Кучлар тизимида илк бор ўтказилди.

12

ЭНГ ЁШ ДАСТУРЧИЛАР
«БИЛИМ ПОЛИГОНИ»ДА
ЖАМЛАНДИ

15

АМИР ТЕМУР
ДАВЛАТИДА
ҲАРБИЙ САНОАТ ВА
ТАЪМИНОТ

16

ЖИПСЛИКНИ ОШИРИБ,
ИШТИРОКЧИЛАРНИ
ТОБЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Азиз юртдошлар!

Юртимиз мўмин-мусулмонлари ва бутун халқимизни Ер юзидаги ислом уммати томонидан кенг нишонланаётган улуғ ва муборак айём – Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Эл-юртимиз учун инсонпарварлик, сабр-қаноат, хайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган ушбу қутлуғ байрам кунларида барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, кейинги бир йилдан зиёд вақт давомида бутун дунё мамлакатлари қатори жонажон Ўзбекистонимиз ҳам пандемия билан боғлиқ мураккаб синовларни бошидан ўтказмоқда.

Бундай шароитда Рамазон ойи ва ҳайит байрамнинг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-мурувват, эҳтиёжманд тоифаларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатиш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини биргаликда, ўзаро елкадош бўлиб ҳал этишдек олижаноб қадриятлар айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзининг миллий урф-одат ва анъаналарига содиқ, меҳнаткаш, ва саховатли халқимиз ана шундай юксак фазилатларни яққол намоён этиб, муқаддас Рамазон ойини тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтказгани ҳамда ушбу эъзозли айёмни катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётгани унга алоҳида файзу шукуҳ бағишламоқда.

Бугунги кунда кенг кўламли ислоҳот ва туб ўзгаришлар натижасида янгиланиб бораётган юртимизда халқ билан мулоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, халқимизнинг бой ва қадимий диний-маънавий меросини тиклаш ва фаол тарғиб этиш, буюк аждодларимизнинг табаррук қадамжоларини обод қилиш бўйича олиб борилаётган салмоқли ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида – калом илмининг атоқли намояндаси Абу Муин Насафий, Наманган вилоятида – тасаввуф таълимотининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Кўплаб масжидлар, мадраса ва диний обидалар қайта қурилмоқда ва таъмирланмоқда, пойтахтимиздаги Ислон цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Муборак Рамазон ойида яна бир улкан хайрли ишни бошлаганимиз – буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги ёдгорлик мажмуасини ул зотнинг мусулмон оламидаги беқиёс обрў-эътибори ва нуфузига муносиб ҳолда барпо этишга киришганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Миллий тарихимизда биринчи марта кўп жилдли «Ислон» энциклопедияси нашр этила бошлагани ҳам муқаддас динимизнинг асл мазмун ва моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишларимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу ғоялар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги шиддатли замон барча жабҳалар қатори диний-маърифий соҳада ҳам олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, дунё миқёсида рақобат тобора кескин ва шафқатсиз тус олаётгани, барқарорликка нисбатан таҳдидлар жиддий тус олаётгани бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга, фарзандларимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашдек ғоят масъулиятли ишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият беришга даъват этмоқда.

Зеро, ислом дини – аввало, тинчлик ва дўстлик, аҳиллик ва бирдамлик, билим ва маърифат динидир. Мана шу олий ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллатлар ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенгликни, фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «**Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур**», деган сўзлари бугун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бинобарин, диний қадриятларимизни, миллий ўзлигимизни улуғлаб яшаш билан бирга, давр талаби бўлган замонавий илм-фан ютуқлари, ахборот технологияларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратишимиз, ёш авлодимизни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашимиз керак.

Ҳурматли уламоларимиз, имом-хатибларимиз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, муҳтарам нурунийларимиз – кенг жамоатчилик яқин ҳамкорликда бу борада янада фаол ва самарали иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Аллоҳ таолонинг марҳамати ёғиладиган ушбу барокатли ва нурафшон кунда сизларни яна бир бор азизу мукаррам Ийд ул-Фитр билан чин дилдан табриклайман.

Дунёнинг узоқ-яқин мамлакатлари мусулмонларини ҳам самимий қутлаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишига тилақдошман.

Меҳнаткаш ва оққўнгил халқимизнинг мўътабар моҳи Рамазонда қилган барча эзгу ният ва дуолари ижобат бўлсин!

Жонажон Ватанимизни, азиз халқимизни Яратганнинг Ўзи паноҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **100** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **43** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **10** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек,



44 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **12** нафари чет эл фуқароси, **4** нафарини 60 ёшдан ошган эркалар, **6** нафарини аёл ҳамда **52** нафарини тақиқланган ташкилот-


лар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ШУКРОНАЛИК

Иккинчи жаҳон уруши нафақат инсониятнинг моддий оламига, балки унинг қалби, дунёси томон қилинган юриш эди. Йиллар ўтиб, жанг-жадаллар, снарядлар қолдирган вайроналар обод бўлди. Аммо у кунги кўнгиллар ҳамон вайрон, у кунги йўқотишлар мудом оғриқли.

«ҒАЛАБА БОҒИ»НИНГ МАНГУ ҲОЛИБЛАРИ



Пойтахтимизнинг Олмазор туманида қад ростлаган «Ғалаба боғи» мажмуаси халқимизнинг уруш йилларидаги жасорати ва матонатини, ҳамон битмаган аччиқ изтиробларини ўзида ифодалаш билан аҳамиятлидир.

Ушбу муҳташам боғда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 76 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади, десак, тўғри бўлади. Боққа ташриф буюрар экансиз, ўзига хос бадиий-муסיқий композицияларга дуч келасиз. 1941 йил урушининг бошланиши, ота-оналар ўз фарзандларини жанггоҳларга юбориши, хайрлашув онлари, аёвсиз жанг манзаралари, унутилмас қаҳрамонларимиз сиймоси сизни ўша суронли йилларга олиб киради. Уларни юпатасиз, дардларига шерик бўласиз, мард ўғлонлар омонлигини сўраб, дуолар қиласиз.

Айниқса, халқимизга хос бағрикенглик, вафо ва садоқат хислатлари «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасидаги Зулфия Зокирова тимсолида гавдалантирилгани барчани бирдек ҳаяжонга сола олди. Жасоратли она барча ўғилларидан айрилган бўлса-да, мағрур ҳолда, агар яна фарзандим бўлганида уни ҳам шараф билан урушга кузатган бўлардим, дегани эса оналаргагина хос бағрикенгликни ифодалайди.



Юртдошларимиз ушбу кунни мана шундай бетакрор саҳна кўринишлари билан қарши олди. Боғ марказидан ўрин олган рангин фавворанинг икки ёнидаги йирик экранларда 1945 йилда эълон қилинган ғалаба садоси, уруш қатнашчилари кайфияти ҳарбий оркестр жўрлигида бериб борилди. Жанговар техникалар намоиши, фронт ортидаги аҳолининг машаққатли меҳнати, хотин-қизларнинг оғир юмушларга-да бел боғлаши воқеалар фонида акс этади.

– Ғалаба боғига оилавий ташрифимиз нафақат бизни, балки болаларимизни ҳам маънан улғайтиргандай бўлди. Юртдошларининг Ватан ҳимояси учун нималар қилганини кўз узмай томоша қилишди, оғир кунлар заҳмати юракларидан ўтказишди, – дейди Гавҳар Солиева. – Ушбу байрам бизга шукроналик, тинчлик неъматларини яна бир бор англата олгани билан ҳам ёдимизда қолади.

Саҳна композициялари воқеадан воқеага ривожланиб, ўсиб боради. Кўнгилга умидбахш нафас олиб кирувчи ғалаба садоларининг баралла янграши эса давомли олқишларга уланади. Ғалаба рамзининг бадиий-муסיқий композициялар ва мушакбозлик асосида ифодаланиши эса барчанинг кўнглида жўшқинлик уйғотди.

Хуллас, Иккинчи жаҳон урушининг кичик бир зарраси, улкан ғалабага мамлакатимизнинг қўшган улкан улуши кўркам боғда юртдошларимизга жонли тарзда намоиш этилди. Бу эса миллионлаб инсон хотирасига ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Бобур ЎТКИР ўғли



ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ҲАМОҲАНГ



Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг гувоҳи бўласиз. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва муассасаларида кўплаб янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида ҳам янги бинолар қад ростлаган. Тантанали маросимда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, масъул офицерлар, Қуролли Кучлар фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Бу ерда қад ростлаган янги ўқув биноси, Маънавият маркази, тиббиёт пункти, ётоқхона, спорт мажмуаси, ошхона ва кутубхона замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ ўқув синфлари ҳарбийларнинг ўз устида ишлаши, назарий билимларини мустаҳкамлаши ва жисмоний имкониятларини ошириши йўлида хизмат қилади.



МАРКАЗ Фойдаланишга ТОПШИРИЛДИ



Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг Халқаро армия ўйинларидаги натижалари, дунё миқёсида кун сайин жилоланиб бораётган имижига бугун манаман деган давлатларнинг армиясида ҳам ҳавас уйғотмоқда. Буларнинг бари тизимда ишнинг тўғри йўлга қўйилгани ва ҳарбий хизматчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича мунтазам малака ҳамда билимини ошириб боришидан далолатдир.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳудудида Мудофаа вазирлиги Мутахассис ва хизмат итларини тайёрлаш маркази фойдаланишга топширилди.

Тантанали маросимда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, куч тузилмалари кинология мутахассислари, Қуролли Кучлар

фахрийлари, билим юрти шахсий таркиби ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўқув хоналари, кутубхона, маънавий-маърифий тайёргарлик хонаси, йўриқчилар хонаси, халқаро мусобақаларда эришилган ютуқлар акс этган музей ва бошқа кўплаб қўлайликларга эга хоналар марказнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этади. Шунингдек, махсус ошхона, ҳаммом, ветеринария хонаси, лаборатория ташхис қўйиш хонаси, жарроҳлик бўлими ва муолажа хоналаридан ҳам замонавийлик нафаси уфуриб турибди.

Бу каби шароитлар, албатта, миллий армиямиз кучига куч, қудратига қудрат қўшади. Янги зафарлар учун замин ҳозирлайди.

И. НУРАЛИЕВ

ҚЎШИНЛАР ТАЪМИНОТИ

Қуролли Кучларимизни энг янги қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа саноати комплексини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом этмоқда.

Қарши шаҳрида 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисмларга замонавий техникаларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳоқими, Мудофаа вазирлиги масъуллари, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги, фахрийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

МУДОФАА САЛОҲИЯТИГА ЭЪТИБОР



Маросимда сўз олганлар саф тортиб турган юзлаб ҳарбий техникалар топширилиши давлатимиз раҳбарининг мудофаа салоҳиятига қаратаётган юксак эътиборидан далолат экани ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчиларнинг узоғини яқин,

оғирини энгил қиладиган, ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам йўл танламас «КамАЗ» 4 326 ҳамда «КамАЗ» 43 118 русумли ҳарбий техника калитлари юрт ҳимоячиларига тантанали равишда топширилди.

Байрамга ҳамоҳанг Қарши шаҳрининг марказий кўча-

си ўзгача тусга кирди. Ҳарбий аслаҳа-анжомлар, қурол-яроғлар, кўчма ошхона ва моддий ашёлар кўргазмаси шакллантирилган нуқталарда ёшлар чексиз таассуротларга эга бўлди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

НАМАНГАН ЁШЛАРИ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК



Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Тантанали маросимда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, вилоят ҳоқими ва Шарқий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги, ҳарбий хизматчилар ҳамда фахрийлар, ёшлар иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом шахсни камол топтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Спорт, шу жумладан, унинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ушбу марказ ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда муҳим бўлиб бўлиб хизмат қилади.

Марказда биринчи ва иккинчи босқичларда 132 нафар, учинчи босқичда эса 177 нафар, жами 441 нафар чақирилувчи «ВС» ва «С» тоифали ҳайдовчи, ўқчи-ошпаз ҳамда чавандозлик бўйича таълим олади.



Дарҳақиқат, 4 қаватли ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, спорт зали, стадион ва автодромлар қайта реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этгани, унда Амир Темур хонаси, Ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш маркази ташкил этилгани ёшлар учун аниқ муддао бўлди.

Ушбу марказ нафақат ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тайёрлаш, балки вилоят ёшларининг муносиб таълим-тарбия ўчоғига айланиши, шубҳасиз.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

Таниқли ижодкорлар севимли адибимиз Абдулла Қодирий ҳақида анча-мунчагина ёздилар. «Ўткан кунлар»ни чексиз муҳаббат, ҳаяжон билан ўқиганмиз, ниҳояси қайғули... Шунданми қайтиб қўлимга олгим келмайди. Аммо барибир ўқигим келади, болаларимга ёқса-ёқмаса парчалар гапириб бераман. Кулгили жойларидан гапирсам ҳам ичимда ғусса қолади.

«ҚОДИРИЙ ДЕГАН БЕТАКРОР ЁЛҒИЗ ХОДИСА»

Илк романапис адибимиз Қодирийнинг ўзи ҳақида ҳам романлар чиқди. Биламан-ку, яқун қайғули, ҳузунли... У ҳақда деярли ҳамма нарсаларни биламан, ўқишнинг кераги йўқ, дейман ўзимга ўзим. Аммо ўқиш истаги ғолиб чиқади. Ҳамид Исмоилнинг «Жинлар базми» ёхуд катта ўйин» романини шундай ҳис-туйғулар билан ўқиган эдим: юрагим тилка-пора бўлган, «Жаҳон адабиёти» журналинини (журнал варианты эди) бағримга босганимча асар руҳидан анча вақт чиқолмай қолган эдим... Шундай асарларни ўқиб, ҳужжатлар билан танишиб, миллат шундай улуғ инсон билан сийланган эди, нега асрай олмади экан, деган саволлар исканжасида қоламан. Тагин биттагина эмас, бир неча ўнлаб эди ойдинларимиз.

Қўлимда ҳурматли ёзувчимиз Хуршид Дўстмухаммаднинг «Ёлғиз» қиссаси. Варақлаб кўрдим... Яна Қодирий ҳақида! Ўқисамми, ўқимасамми? Номини ҳам «Ёлғиз». Ўқимасам ҳам китобдан кўнгил узолмаслигимни билиб, мутолаани бошладим.

Китобнинг иккинчи саҳифасида шундай ёзилган: «1926 йилнинг бошланиши Абдулла Қодирий учун оғир келди. Адиб меҳнат таътили тугагач, дастлабки ёзган мақоласини «Йиғинди гаплар» деб номлади, мақола «Муштум» журналининг февраль сонидида чоп этилди. Чоп этилгани ҳамано... Таниқли адиб Хуршид Дўстмухаммаднинг «Ёлғиз» қиссасида ана ўша машъум кунлардан ҳикоя қилинади. Забардаст адибнинг бошига тушган қора кунлар изтироби китобхонни хаёлан воқеа юз берган дамларга, масканларга етаклайди».

Ҳа, айнан шундай. Адиб яшаган дамлар... Сиз қиссанинг дастлабки саҳифалариданоқ Калвак Махзумни таниб қоласиз.

Келинг, ўқиймиз: «Мулла Исоқ домла атрофга олазрак аланглади-да, гўё ўзининг беҳад ақли, саводли сўхбатдошини гангитиб қўйишидан андиша қилгандек сўради:

– Манга бир очикчасига тушунтир, – у бир қўлни мушт қилиб Абдулла томон чўзди: – Муштум дастурхондек эмаски, унга хат битсанг! Уни қаерига ёзасан? Нимада ёзасан? Нимани ёзасан?

Абдулла қулоғига, кўзига ишонмади, кулишини ҳам, қулмаслигини ҳам билолмай анграйди. Ҳозиргина уни овсарга чиқарган алломай замон нима деб алжияпти? Начора, жуда кўпчилик одамлар газета-журнал нима эканини дурустроқ билмайдилар, бунинг гўё барча айб-кароҳати ўзининг зиммасига тушадигандек жиддий тортиб тушунтиришга киришди:

– Муштум деган нарсани одамнинг мушти эмас, тақсир, кў-ўп варақдан ташкил топган, ойда икки дапқир чоп этиладиган газитти бир тури – уни жўрнал дейдилар, холос.

– Ҳой чатоқ, вой чатоқ! Тоза олдинг-ку, бачам. Ҳиқилдоқдан олдинг-ку!

Исоқ домланинг ранг-кути гезаргандан-гезарди-ю, ўша захоти хушёр тортиди, бир юмалаб ўзининг олимунуламо эканлиги ёдига тушиб қолди.

– Шу сан айтқан нарсани билмайди, деб ўйладингми? Мани-я?!

Сан шўронинг фойтонига осилиб, ўриси афсунига лаққа тушдинг-у, бир юмалаб мусанниф-ёзувчи бўлдинг-қолдинг, биз эса – бесавод, оми, шундайми, бўтам?! Улдурки, ўқимасам ҳам биламан, аввал йўқ ердаги гапларни топиб-термачлаб, ўша «Муштум» отлиқ газитингга ёзасан, майна қиласан-қулунч қиласан, дуппа-дуруст одамларни маймунга ошно

қиласанлар-да, сўнг мушт уриб ағдарасанлар! Шунки билмасам, шунгаки ақлим етмаса, мен ким Бухорои шарифда таҳсил кўрган, мен ким мана шу Эшонгузар маҳалласидан тортиб Самарқанд дарбоза депарасида иззат-ҳурмати баланд домла имомлик обрўйим қатта қолади?!»

Ҳа, бу ўша Калвак Махзум, танидингиз-а?

Китобга сўзбоши ёзган Шухрат Ризаев уни «Дардман дил изтиробрлари» (Таассуротлар муқаддимаси) деб номлади. Сўзбошида ҳикмат кўп. У сизни асарни чуқурроқ англашга тайёрлайди. Ва баъзи ҳолларда асар қимматини белгилайди, эътиборни жалб қилади.

Адабиётшунос олим шундай ёзади: «Қиссани ўқиб, ками элликларча «ёлғиз» деган сўзга дуч келасиз... Қодирий – адабиётда ёлғиз, «Муштум»да ёлғиз, ачитиб заҳарханда сўз айтишда ёлғиз, камерада ёлғиз, қалами ўткирлиги, куюнчақлиги боис ёлғиз, «тушунган одам – тушунмаганлар олдида ёлғиз» ва ҳоказо. Ана шу ўнларча сифатли «ёлғиз»ларнинг таъриф-тафсилотларини бера бориб, Абдулла Қодирий деган бетакрор ёлғиз ҳодиса – ёлғизлик моҳиятини очади муаллиф. Унинг улуглиги, буюклигини ана шу ёлғизлик ракурсларида инкишоф этиб боради. Биз энди ўша беназир зотни қалбан ҳис қилиб, Шахс мақомидаги якка-ёлғизлигини дилдан эътироф этамиз. Асрлар оша яшамоққа ҳақли эканини ҳис қиламиз».

Мен ижтимоий тармоқларни кузатиб бораман. Қодирий ҳақида сўз кетганида бирининг шундай эътирозига кўзим тушди: «Намунча Абдулла Қодирийни осмонга олиб чиқавермасаларинг! Бор-йўғи иккитанига китоби бўлса, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён». Маиший ҳаётдан олинган кундошли севги қиссаси... Шунча оҳ-воҳ қилишга арзирмикан?»

Бу эътироз Қодирийни билмасликдан, англамасликдан деб биламан. «Ўткан кунлар» ким учундир оддий севги қиссаси бўлиши мумкин. Дид ва савия бобида баҳслашилмайди, албатта.

Ўқиймиз: «...Хонада ёлғиз, сандал курсисига бағрини бериб ёзаётганди. Анча ёзди, бош кўтармай ёзди. Қош қорайган эди. Бибисининг: «Абди-ил!» деган товуши келди. Унинг қулоғига кирмади она-зорнинг чорлови. Орадан пича муддат ўтди. «Берилиб кетса, қоғоздан айририб бўмайди!» деган товуши эшитилди Жосият бибининг. Кетидан: «Боринг, овқат ҳам совуб бўлди. Қўлидан етаклаб кемасангиз, очнаҳор ўтираверадилар».

Эри ишлаб ўтирган хона эшигига келган Раҳбарниса ичкарига қаради-ю, сапчиб тушди...

– Биби, ўзингиз боринг! Ўзингиз қаранг, бибижон! – дея олди, холос, хавотирини яширмай.

...Жосият биби азот ўрнидан тура солиб, зипиллаганича ўғли ўтирган хона ёнига етиб борди. Борди-ю...

– Вой, ўлиб қўя қолай! Вой, шўрим қурсин, Абдил, тинчликми? Нима бўлди? Айтақолсанг-чи, болам, нима гап, ахир?!

Жосият биби шундай дея ўғлининг тепасига кирди. Бошини сандалга қўйганича хўнг-хўнг йиғлаётган, кўз ёшларини яширишни ҳам ўйламаётган Абдуллани ўзига қаратишга уринишлари беҳуда кетди. Ниҳоят, Абдулла ўзини пича қўлга олди, шекилли, ҳамон ўзини босиб-босолмай тилга кирди:

– Кумуш ўлди, бибижон! Кумушбиби ўлиб қолди!..»

Ҳа, бу асар шундай яратилган эди. Қодирийнинг кўзёшлари билан... Бу ерда адибнинг муҳташам

асарлари ҳақида сўз айтишдан тийиламан-да, эътиборингизни унинг муҳбирлик, газитчилик фаолиятига тортаман. Адабиёт ихлосмандлари ёзувчимизни кўпроқ бадиий асарлари орқали биладилар. Аммо «Диёри Бакр» китобини диққат билан ўқиб чиққан киши адибимизни қайтадан танийди, деб ишонаман. Айнан шу китобда унинг жамият қай тарзда, қандай нафас олаётганини англаган, баҳо бера олган олим, донишмандлигини кўрасиз. У том маънода ўзи яшаётган жамиятнинг «барометр»и эди.

«Ёлғиз»дан ўқиймиз: «Бир бор экан, бир йўқ экан, қади-им ўтган замонда, йўқ, айни бизнинг замонда, Тошкент деган томонда, шаҳарнинг Эшонгузар отлиқ депарасида мулла Ростғўй деган одам яшаган экан. Муллаглиги учун ростғўйми, ростғўйлиги муллаглигиданми – билиб бўлмас экан. Болалиқдан кўп мактаб кўрган, хат-саводли амаки экан. Кўрган-эшитган воқеаларидан турфа мақолалар ясаб ташлайверар, ёзганларини дам газит, дам журналларда бостиришни одат қилган экан. Унинг ёзганларини одамлар талашиб-тортишиб ўқийдирган бўлишибди. Бунга сайин Ростғўй амаки ғайратига ғайрат қўшилар, қанча кўп рост гапни ёзсам, одамлар ўқигани сайин билими ошади, билими ошгани сайин фикри-сеҳни тараққий топади, бунга сайин яшаш тарзи янгиланади, деб қаттиқ ишонар экан. Матбуот жони дили ва бирдан-бир ишонгани-инонгани экан.

Хуллас, кунлардан бир куни мулла Ростғўй аччиқланиб юра-юра мардуми авомнинг фикр-ўйига таъсир кўрсатармикан, одамларни ғафлат уйқусидан уйғотармикан деган умид-истақда «Йиғинди гаплар» деган шапалоқдеккина мақола ёзибди. Қаттиқ ёзибди, ачитиб-ўймалаб оладиган қилиб ёзибди. Киноя ва пичинларни қалаштириб ташлабди. Мақола...»

Ҳа, бу ўша мақола! Аммо эртаси эмас! Адибнинг бошига оғир кунларни келтирган мақола... Бир дафъа омон чиқди. Аммо кейингисидан... Келинг, бу ҳақда ёзмаганим маъқул. «Ёлғиз» қиссасини ўқинг, адиб қалбига бўйланг, безовта ўйларига шерик бўлинг. Ва сўнгидан Қодирий ҳаққига дуолар қилинг, Хуршид Дўстмухаммаддан миннатдор бўлсангиз, у буни сиз қаерда бўлсангиз ҳам қалбан ҳис қилади. Ишонинг!



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ҚУЁШ ҚОРАЙМАС



«ЭЙ, МУҚАДДАС КУН, ЎТ БЎРОНИ ҒАРБГА ЮГУР, ЁВГА ЙЎҚ ОМОН!»

1942 йил. Қаҳратон қиш. Фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жанглири давом этмоқда. Совға-саломлар билан йўлга тушган етти вагондан иборат эшелонни тортиб бораётган паровоз оппоқ қор кўрпаси ёпинган дала-дашт бағрини ёриб, шиддат билан ғарб томон елиб борарди. Вагон деразасидан табиат манзарасини ғамгин кузатиб бораётган Ойбекнинг қоп-қора куюқ жингалак сочлари қулоқчин остидан тушиб турар, кўзлари олмосдай чақнарди: Москва остоналаридаги вайронага айланган уйлар, бурқсиб тутаетган ўрмонлар, мажақланган тўплар, машиналар адибни чуқур ўйга толдирганди. Юракни уюштирувчи манзараларни кўздан кечираркан, Ойбек хаёлан аллақачон жанг майдонларида кезиб юрарди. Шундай қаҳратон қишда жангчиларимизга ўзбек халқининг совға-саломини етказиш ва уларга маданий хизмат кўрсатиш учун фронтга йўл олган махсус бригада таркибида атоқли адиб Ойбек ҳам бор эди.

«1942 йил, 6 декабрь»

Кундуз соат бирларда иккинчи ўзбек бадий бригадаси Москвага етиб келди. Биз 16 киши эдик...

Вокзал залида шу блокнотни бир парча нонга алмашиб олдим», деб ёзади Ойбек «Фронт бўйлаб» номли хотираларида.

Фронт линиясига етказилган совға-саломлар аскарларга пешма-пеш тарқатилади. Бригада аъзолари блиндажларга жойлашгач, белгиланган жойда катта митинг ўтказилади.

13 декабрь куни концерт бригадаси фронт чизиғи ёнида ўз фаолиятини бошлади. Муסיқа ва ашула садолари бошланишидан олдин Ойбек жангчиларга «Салом деб қолдилар» шеърини ўқиб беради:

*Кувингиз фашистни ботир оғалар,
Кўзларга сурмадир Ватан тупроғи.
Салом деб қолдилар оқсоч оналар,
Сизни дер, мўйсафид азиз оталар,*

мисралари билан якунланган бу шеър жангчиларимизнинг узоқ давом этган қарсақлари билан олқишланади. Дилрабо куй ва кўшиқлардан руҳланган жангчилар «Кўшиқларингизнинг ҳар бир сўзи учун бир фашистни ўлдирамиз!» дея қичқиришди, деб ёзади Ойбек.

Уруш фахрийси Сайфуддин Маҳмудов жанг майдонларидаги учрашувни шундай эслайди:

– Эсимда, фронт-концерт бригадаси ротамизга ташриф буюрганди. Блиндажлар бомбадан шикастланмаслиги учун ўн-ўн икки қават ёғоч билан шиббалаб мустаҳкамланганди. Шунга қарамасдан ёмғир ва қор суви зах ертўлага «чак-чак» томарди: бурчақда темир бочкадан ясалган печ ловуллаб ёнарди. Уйқусиз узун кечаларда, снаряд

гильзасидан ясалган қўлбола жинчиқроқнинг хира ёғдусида адибимиз ижод билан машғул бўлардилар. Тунда битилган шеърларга эса санъаткорлар куй басталаб, ўзбек жангчилари ҳузурида куйлашарди. Бундай концертлардан кейин томирларимизда қон билан бирга куй, наво, кўшиқ оқарди. Ҳаммамиз тезроқ душман устидан ғалаба қозониб, юртимизга қайтишни орзу қилардик. Оппоқ қорга бурканган Смоленск ўрмонлари бўйлаб бригада аъзолари тунда чангалзорда қисмдан қисмга кўчиб, маданий тадбирлар ўтказишарди. Ойбек жангчилар билан бўлган суҳбатларини арабий ёзувда қайд этарди. Бунинг сирини сўраганимизда адиб: «Шунга ўрганганман, тез ёзилади, ҳам оз жой эгаллайди. Машилкада кўчириш пайтида ўзим айтиб тураман, ўқиётиб, пуч жойларини тўлдираман. Ҳеч кимга айтилмайди ижод йўли бу», деб жавоб қайтарарди қулиб.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сора Самандарова:

– Биз концерт бригадаси қатнашчилари Москвага 1942 йилнинг қаҳратон декабрида етиб келдик. Ҳаммамизга иссиқ либослар ва пийма берилди. Ола-була рангга бўяб ниқобланган машина ва чаналарда фронт томон йўл олдик. Смоленск яқинидаги Юхнов шаҳрида ўзбек жангчиларига концерт беришимиз маълум қилинди. Бу бизнинг илк чиқишимиз бўлмоғи керак эди. Вазият мураккаб бўлишига қарамасдан йигитларимизнинг жанговар руҳи баланд эди. Улар биз, юртдошларни кўриб, яна ҳам тетиклашиб қолишди. Ҳар бир концертдан аввал Ойбек ака жангчиларимизга алангали мурожаат қилар, фронт шеърларидан ўқиб берарди. Мен эса навбатим келиши билан баянчи Николай Наливайко жўрлигида «Лайли ва Мажнун» операсидан ариялар ва шу операдан «Феруз» ашуласини ижро этардим. Булардан ташқари жангчиларимиз репертуаримиздаги ўзбекча, тожикча, қозоқча, русча, татарча, грузинча, молдованча кўшиқларни кизғин кутиб олишарди. Концертимиз кўпинча окоп, траншея, дот, дзотларда ўтарди. Уша кунлардан бизни 76 йиллик масофа ажратиб турибди. Кўп нарсалар унут дарёсига шўнғиди. Аммо бир воқеани асло унутолмайман. Концерт тугаб хайрлашар эканмиз, жангчиларга: «Ёвни тор-мор этиб, Ўзбекистонга қайтинг», деб тайинладик. Йигитларимиз сўзларимизни ўзбек халқининг буйруғи, деб қабул қилишди ва концертдан кейинки ҳаёт-мамот жанглирига кириб кетишди. Қанчалар оғир эди, бу дамлар. Улардан қай бири Ўзбекистонга қайтди, қай бири эса қайтмади...

Шундан сўнг, биз полк командирининг таклифи билан кимсасиз, вайрон этилган Юхунов шаҳрини кўздан кечирдик. Урушнинг нечоғлиқ асоратлар қолдириши мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Биз 18-20 яшар қизлар мудҳиш манзарани кўриб, йиғлаб юбордик. Бир пайт мен билан ёнма-ён турган Ойбек аканинг юзига қарадим, буюк қалб эгасининг лаблари қаттиқ қимтилган, кўзлари

жиққа ёш эди. Шундай бўлса-да, у дарҳол ўзини қўлга олиб, бизни юпатди. Ойбек ака фронтда ўзини ўйламас, эл-юрт тақдирини бир зум бўлсин ёдидан чиқармасди. Шу билан бирга, у биз ҳақимизда куйиб-пишар, ғамхўрлик кўрсатар, совқот-маслигимиз учун ҳамма тадбирларни кўриб кўярди. Қаҳратон совуқ минус 45 даражагача етарди.

Биз Ойбекни ўз акамиздек севиб қолдик.

31 декабрь куни менинг туғилган куним эди. Раҳбаримиз Эсон Раҳимов ва Ойбек домла бошчилигида бу санани ҳамда кириб келаётган 1943 йилни нишонладик. Ҳар бир қизга бир бурдадан жавдар нон ва бир тишламдан колбаса тегди. Кейин билсак, буни Ойбек аканинг шахсий паёғидан бизга ҳада қилишган экан. Уша насибанинг мазаси ҳали ҳам оғзимда қолган...

Иккинчи ўзбек фронт-концерт бригадасининг сафари тугагач, Ойбек ёлғиз ўзи Москвадан рухсатнома олиб, 1943 йилнинг февраль ойи бошларида тўғри Воронеж фронтга боради. У ерда фронт сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Сергей Савельевич Шатилов қабулида бўлиб, унга ўз мақсадини баён этади.

Атоқли адибнинг мақсади Воронеж, Курск, Белгород шаҳарларини бориб кўриш ва у ердаги аҳоли билан яқиндан танишиб, жангчилар билан суҳбатлашиш эди. Генерал рухсатнома бериб, адибнинг ишларига муваффақиятлар тилайди.

Ойбек Воронеж фронтда ўзбек тилида чиқадиган «Ватан шарафи учун» газетаси редакцияси ходимлари ҳузурида ҳам бўлиб, озоқ қилинган шаҳар тўғрисида куйидаги сатрлар билан якунланадиган бир шеър ёзиб қолдиради:

*Қочди ёв – оғзи бурни қон,
Қутулолмас бизнинг найзадан!
Қадамни қирқамиз ҳар он,
Қорли сахро уларга кафан.
Баҳодирлар, офарин ва шон!
Эй, муқаддас кун, ўт бўрони
Ғарбга югур, ёвга йўқ омон!*

Ойбек 1942 йил декабрь ва 1943 йил январь, февраль, март ойларида фронтда бўлди. Жанг майдонларидаги аччиқ ҳақиқатни, халқимизнинг матонатини ўз кўзи билан кўрган адиб ғалабага қатъий ишонч билан юртига қайтади. Мард ва жасур ўғлонлар қаҳрамонликлари, жасоратига доир кўплаб мақолалар ёзади. Адибнинг «Қуёш қораймас» романи ҳам ана шу сафар таассуротлари ўлароқ дунёга келган.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

НУКУСДА «ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ» ОЧИЛДИ

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Нукус шаҳрида «Ватанпарварлар боғи»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, ҳудудий ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Мурат Камалов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Кахраман Сариев, куч тузилмалари ҳарбий хизматчи ва ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли ва ёшлар иштирок этди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамда шаҳар ҳокимлиги раҳбарлигида бунёд этилган боғда уруш йилларининг бошланишидан Берлинда собиқ Иттифоқ байроғининг ўрнатилгунига қадар давр хронологияси паннолардаги фотосуратлар жамланмасидан ўрин олган. Уч ўлчамли графика усулида яратилган суратлар орасида Қорақалпоғистон Республикасининг фронтга берган ёрдами ҳамда ватандошларимизнинг фронт ортидаги машаққатли меҳнати акс этган.

Боғда жами 8 донга техника: Т-64 танки, пиёдалар жанговар машиналари, зирхли транспортёрлар ҳамда артиллерия ва зенит қурилмалари ўрнатилган. Экспонатлар орасида Су-17 қирувчи самолёти кўпчилигининг диққатини тортиши шубҳасиз.

Уруш йилларини эслатувчи муҳандислик мудофаа тўсиқлари, окоп ва блиндажлар бўйлаб саёҳат кишини ўша даврга бир зум бўлса-да, олиб кетади.

Таъкидлаш жоизки, «Ватанпарварлар боғи» «Мотамсаро она» ҳайкали жойлашган майдоннинг орқа томонидаги ташландиқ ҳудуднинг деярли 100 сотих майдонида бунёд этилди. Боғи яратиш концепциясига асосан у ердаги 153 квадрат метр майдонда Иккинчи жаҳон уруши йиллари Қорақалпоғистон халқининг матонати, ғалабага қўшган ҳиссаси акс этган бир қаватли «Хотира уйи», пневматик милтиқдан ўқ отиш тири, ҳарбий альпинизмни ривожлантириш мақсадида скалодром, ҳарбий объектлар, жангоҳларни акс эттирадиган окоп, блиндаж ва ертўлалар ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган жанговар техникалар ўрин олган.

Урушда 66 минг нафар қорақалпоғистонлик иштирок этган ва улардан 34 минг нафари жангоҳларда ҳалок бўлган. Қорақалпоғистондан фронтга сафарбар этилган 14 мингдан зиёд жангчи жанговар хизматлари учун давлат мукофотлари – унвон, орден ва медаллар берилган.

«Ватанпарварлар боғи»нинг марказида жойлашган ва ноёб тарихий экспонатлар билан бойитилган «Хотира уйи» Қорақалпоғистон Республикасининг Иккинчи жаҳон урушига қўшган салмоқли ҳиссаси, урушда жасорат ва матонат

кўрсатган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар, орден ва медаллар ҳамда уруш қатнашчиларининг шахсий буюм ва кийимлари билан бойитилган.

Тадбир давомида яқиндагина Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири кубоги учун илк бор ўтказилган «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг финал босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритган Кегейли тумани 41-мактабнинг «Лочин» жамоасининг ҳар бир аъзоси ҳамда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти томонидан қимматбаҳо совғалар – телевизор билан тақдирланди.

Шу куни аҳоли ва ёшлар учун «Ватанпарварлар боғи»да жанговар қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар кўргазмаси ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг санъаткорлари, Нукус гарнизони ҳарбий оркестри ҳамда ижодий жамоаларнинг концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Эндиликда Нукус шаҳрида жойлашган бу боғ нафақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳини юксалтирадиган маскан, балки халқимиз мароқли ҳордиқ чиқарадиган обод гўшалардан бирига айланиши, шубҳасиз.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАСКАНИ

Урганч шаҳар мудофаа ишлари бўлимининг янгидан қурилган биноси фойдаланишга топширилди.



Мудофаа ишлари бўлимининг маъмурий биносини фойдаланишга топшириш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов, вилоят ҳокими Фарҳод Эрманов, шаҳар ҳокими Ойбек Холбоев, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси шахсий таркиби, Қуролли Кучлар фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққан вилоят ҳокими олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг тарзда замонавий ва кўркем кўринишда барпо этилган

мудофаа ишлари бўлимининг янги биноси эндиликда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрловчи, уларда ватанпарварлик, мардлик ва жасорат туйғуларини шакллантирадиган масканга айланишига тилак билдирди.


Замонавий дизайн асосида қурилган ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга бўлган ушбу бинода навбатчиликни ўташ учун хона, бошқарув пункти, архив, жисмоний ва юридик шахс-

ларни қабул қилиш учун хона, чақирилувчилар ва ҳисобда турувчилар ҳақида электрон маълумотлар базасини юритиш ҳамда 22 та хизмат хонаси мебель, «қиш-ёз» тизимида ишлайдиган совутиш тизимлари, компьютер жамланмалари ва бошқа зарур буюмлар билан тўлиқ жиҳозланди.

Армиянинг жанговар қудрати, салоҳияти, буюк аждодларимизнинг жасоратидан сўзловчи кўргазмали воситалар билан безатилган бино-

нинг ички деворлари бу ерга келадиган ёшларга Қуролли Кучларимиз ҳақида кенгроқ билим ва маълумотларга эга бўлишини таъминлайди.

Бинонинг очилиш маросимидан кейин тадбир иштирокчилари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.



СОҒЛОМ РАҚОБАТ

Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Қуролли Кучлар тизимида илк бор I идоралараро «Дог биатлони» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ва Божхона қўмитаси жамоалари иштирок этди.



I ИДОРАЛАРАРО

«ДОГ БИАТЛОНИ» МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ



Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти спорт-техник комплексидан уч кун давом этган мurosасиз мусобақанинг тантанали тақдирлаш маросими Мудофаа вазирлиги мутахассис ва хизмат итларини тайёрлаш марказида бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда сўз олган мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ўзбек кинологларининг маҳорати бугун дунё миқёсида кенг эътироф этилаётганини, шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг ўз хизмат итлари билан халқаро аренада юқори натижаларга эришаётгани, уларнинг касбий маҳорати ошишида бундай мусобақаларнинг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.



Якуний натижаларга кўра, 3-ўринни Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия қўмондонлиги жамоалари, 2-ўринни Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги, фахрли 1-ўринни эса Мудофаа вазирлиги жамоаси қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорлар диплом, кубок ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шундан сўнг жамоаларнинг хизмат итлари билан биргаликдаги кўргазмали чиқишлари намоиш этилди.

Лейтенант Ислонжон ҚўЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

Барчамизнинг кўз ўнгимизда дунё миқёсида техника ва технологиялар шиддатли равишда ривожланиб борапти. Телефондан ўйинларни ўчириб ташласангиз, ҳали мактабга чиқмаган бола интернетга кириб, ўзи юклаб, ўйнайди. Сезувчан лампалар, камералар, борингки, инсониятнинг космос саёҳатига чипта сотишни бошлагани бир неча ўн йиллар муқаддам ақл бовар қилмас ҳолат эди.



МОДЕРНИЗАЦИЯ МАҲСУЛИ

Гапнинг индаллосига кўчсак, ушбу мақоламизда ана шундай вазиятда жаҳон билан бўйлашиш ҳаракатидаги Мудофаа вазирлиги қўшинлари учун модернизация қилинган ва замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус мобил алоқа техникалари ҳақида тўхталмоқчимиз. Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги алоқа қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан биридаги шарт-шароитлар билан танишдик.

Подполковник Алимардон Шарафиддиновнинг таъкидлашича, 2018 йилдан Мудофаа вазирлиги қўшинлари янги замонавий рақамли алоқа воситалари билан бутланди. Ҳозирги кунга қадар ушбу таъминот билан қаноатланиб қолмасдан, мавжуд техникаларни такомиллаштириш жараёни жадал давом эттирилмоқда. Зеро, алоқа бошқарувнинг асосий техник воситаси ҳисобланади. Замонавий алоқа техникаларини, ахборот воситалари ва технологияларини самарали ишлатиш ҳамда қўллаш ҳарбий хизматчилардан кўп билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади.

Шу мақсадда муҳдатли ҳарбий хизматни бошлаган ўғлонлар ҳам дастлаб ҳарбий қисм музейида алоқа воситаларининг ривожланиш тарихи билан таништирилади. Музейда ўзингизни қизиқтирган



саволларга амалий жавоб олиш имконияти мавжуд. Аскарлар ушбу масканда Қуролли Кучларимиз бугунги замонавий ахборот технологияларига бир зумда эришиб қолмаганини, такомиллашиш босқичларини билиб оладилар. Электрон кутубхона ҳам уларнинг хизматида. Истаган кўринишда маънавиятларини ошириб, мафкуравий иммунитетларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ҳарбий қисмда мутахассисликни пухта эгаллаш учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда Ватан ҳимоячилари нафақат назарий билимларни оладилар, балки ўрганганларини амалиётда ҳам синаб кўрадилар. Муҳдатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг аксарияти бошланғич тушунча билан келишган. Хизмат давомида билимларини мустаҳкамлаб, тайёр кадрларга айланишади.

Улар учун фойдаланишга топширилган, модернизация қилинган ҳарбий техникалардан универсал алоқа мажмуасини оладиган бўлсак, унинг афзаллиги шундаки, бир вақтнинг ўзида барча турдаги алоқалар (радио алоқа, махфий

алоқа, видеоконференц-алоқа, trunk (магистраль) алоқа каби) билан юқори штабни таъминлаб бериш имкониятига эга.

Қўмондонлик штаб машинаси эса экипаж учун қулай шароитнинг мавжудлиги, ихчам ва тезкорлиги, алоқа қилиш масофасининг узоклиги, тоғ, чўл каби ноқулай шароитларда ҳам ўтувчанлиги, хавфсиз алоқа, ахборотларни электрон алмашув ва интернет каналларини таъминлаб бериши билан ажралиб туради.

Ҳаракатда ва турғун ҳолда радио сўзлашувларни амалга ошириш имконини берадиган бу каби қурилмаларни яна кўплаб учратиш мумкин. Бир кун давом этган танишув мобайнида ҳарбий қисмни яхлит бир музейга менгзаш мумкин, деган хулосага келдик. Улардан самарали фойдаланиш, ўзлаштирилган билим ва тажрибаларни амалиётга тўлақонли татбиқ этиш ўзининг қутилган самарасини беришига шубҳа йўқ.

Муаллиф суратга олган



ТАШРИФ

КЎНГИЛДАН БОШЛАНГАН ЗИЁРАТ

ЁХУД ҲАЙИТМАТ ОТА ХОНАДОНИДА

Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани,
Чимбой маҳалласида уруш фахрийси –
Ҳайитмат ота Гадоев истиқомат қилади.
97 ёшни қарши олган отахон бугун неварачеваралари ардоғида қариллик гаштини сурмоқда. Маҳаллада ҳамма бу инсонни ўзгача ҳурмат билан тилга олади, доим ҳолидан хабар олиб, эҳтиром кўрсатади. Отахоннинг бу галги йўқловчилари ҳарбий хизматчилар бўлди.

Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий хаво кучлари қўмондонлиги ва Чирчиқ ҳарбий прокуратурасининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Ҳайитмат ота Гадоев хонадонига ташриф буюрди. Гуллар, совға-саломлардан боши кўкка етган отахон кўллари дуога очиб, меҳмонларга ўзининг самимий тилакларини билдирди.

Уруш фахрийси билан суҳбат бағоят қизиқарли кечди. Биз жим тингладик. У киши бизга босиб ўтган ҳаёт йўли, турмуш сабоқлари ва уруш хотираларини сўзлаб берди.

БОЙ БЕРИЛГАН БОЛАЛИК

– Мен ҳали ёш бола эканлигимда отам вафот этди. Оилада онам, мен ва чақалоқ синглим қолдик, – дея хотирлайди Ҳайитмат ота. – Онам ёш эди. Лекин бошқа турмуш қурмади. Ким турмушга чиқишдан сўз очса, «Икки боламни ўғай ота кўлига қаратмайман», деб жавоб берарди.

Лекин синглимниям Аллоҳ бизга кўп кўрди. Уч ёшлигимда бу дунёни тарк этди. Бу айрилиқдан онам кўп куйиб-ёнди. Касал бўлиб ётиб қолди. Синглимни эслаб, кўп йиғларди. Аммо онам жуда бардошли аёл эди. Бирпасда ўзини қўлга олди. Шундай қилиб, онам билан бир-биримизга суяниб яшай бошладик. Айрилиқлар азобини ҳўб тотган онам мени еру кўкка ишонмасди. Доим ёнида олиб юрарди. Балоғатга етгач, онамга елкадош бўлиб унга ёрдам бера бошладим. Айнан ўша вақтларда қалбимда мактабда ўқиш истаги туғилди. Мен ҳам ўқиш-ёзишни ўрганишни хоҳлардим. Бу истақ қалбимга тинчлик бермасди. Бир куни бу ҳақда онамга айтдим. У эса пешонадан ўпиб: «Ўқишга қизиқувчан ўғлимдан айланай. Мактабга бораман дейсан-у, мен йўқ дермидим, болам», деб мени орзуим сари янаям руҳлантирди. Шундай қилиб, мактабга бора бошладим. Айтсам ишонмайсиз, ўшанда ёшим 15 да эди! Унгача тоғу тошларда онамга ёрдам бериб юрганман. Ҳеч ким ўқишга

мажбурламасди. Билимларни қунт билан ўргана бошладим. Мактабга меҳрим тушиб қолди! Ҳар куни кечаси тезроқ тонг отса-ю, мактабга борсам, деб ошиқардим. Аъло баҳоларга ўқий бошладим. 2-синфни тугатганимдан сўнг уруш бошлангани ҳақидаги хабарни эшитдим. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан менга ҳам комиссариатдан чақирув хабари келди. Ўшанда 17 ёшда эдим.

ФРОНТДА

Бизни поездларга чиқариб, фронт томон олиб кетишди. Вагонга жойлашиб, атрофимга кўз ташладим. Бу ерда мендан кичик йигитлар ҳам кўп эди. «Улар отишни билармикан?» Тўйқус хаёлимга келган бу фикрдан кулгим қистади. Ахир ўзим ҳам отишни билмайман-ку. Лекин барибир уларга ичим ачиди. Узоқ йўл юриб, манзилга етиб келдик. Етиб боришимиз билан урушга киримиз, деб ўйлардик. Йўқ, ундай эмас экан. Биз аввал тайёргарликдан ўтарканмиз. Шундай қилиб, тайёргарликдан ҳам ўтдик. Қурол ушлаш, отишни ўрганганимиздан кейин бизни ҳам фронтга ташлашди. Уруш... у бамисли ўлим ўчоғи эди. Ҳар томондан ёғилаётган ўқлар, оёқ остида бетартиб ётган ўликлар... Бу манзара ҳар қандай инсоннинг руҳиятига ёмон таъсир қиларди. Мен миномётчи эдим. Ёш бола эдик. Лекин уруш машаққатлари бизни бир зумда улғайтирди. Қанчадан-қанча сафдошларим кўз олдимда жон берди... Уларнинг ҳаётга тўймай кетган нигоҳлари бот-бот кўз олдимга келади. Ахир улар ҳам яшашга, бола-чақали бўлишга, фаровон умр кечиришга ҳақли эди. Лекин бешафқат уруш миллионлаб инсонларни шундай бахтдан мосуво этди. Ҳар доим шу ҳақда ўйлаганимда юрагимнинг бир чети жизиллаб куйдиради... Ҳозир шу ҳақда гапиряпман-у, бу воқеалар гўёки тушимда бўлиб ўтгандек туюляпти. Шунинг учун ҳам уруш ҳақида гапириб бериш мен учун оғир. Жанггоҳларда жон олиб, жон бераётган инсонларни кўриб, ҳаётнинг, тинчликнинг қадрига етганман. Айрилиқ дардида қадди букилган оналарнинг, оталарнинг мунгли чеҳрасига қараб, йиғлаган вақтларим бўлган... Шукур, бугун юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Бу эса ҳаммамиз учун катта саодат.

УРУШДАН СЎНГ

Урушдан қайтишим онам учун катта воқеа эди. Тинимсиз йиғлайди, бағрига босади. Мен ҳам кўзёшларимни тиёлмасдим. Мен ҳам дийдорнинг ширин лаҳзаларидан сармаст эдим. Уша кунлари уйимиздан меҳмон аримади. Қариндошларимиз ҳол-аҳвол сўрагани келишди. Келди-кетдилар тинчиганидан кейин онам билан узоқ суҳбатлашдик. Гап орасида онам: «Энди ўқишингни давом эттирасанми, ўғлим?» деб сўраб қолди. Кўксимда бир нима жиз этгандай бўлди. Тўғри, ўқишни давом



эттириш истагим бор эди. Лекин қандай қилиб, яна рўзғор қийинчиликларини онамнинг зиммасига ташлаб қўяман?! Онамнинг мени деб шунча куйиб-ёнганлари, қийналганлари камми?! Йўқ, мен ундай қилолмасдим. Сониялар ичида бир қарорга келдим ва «Йўқ, она, энди ўқимайман, ишлайман. Оиланинг бор қийинчиликларини ўз зиммамга оламан», дедим. Шундай қилиб, колхоз идорасида телефонист бўлиб ишлай бошладим, яна деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланардим. Кейин оила қурдим. Турмуш ўртоғим жуда оқила аёл эди. Доим онамнинг ҳурматини жойига қўйиб, хизматини қилган. Ишонасизми, бирга кечирган ҳаётимиз давомида бирор марта «сен-мен»га бормаганмиз. Қандай танишгансизлар, дейсизми? У билан битта қишлоқдан эдик. Онам топган, шу. Бўлди, гапирмайман. Танишув тафсилотларини айтиш уят бўлади ахир (*даврада гур кулги кўтарилади*). Аёлим билан тўрт фарзандни воёга етказдик. Ҳаммасини ўқитдик, уйли-жойли қилдик. Уларнинг юрт равнақи учун жон куйдирадиган инсонлар бўлиб улғайгани мени қувонтиради. Фарзандларимнинг иқболни кўриб, ўтган умрим бесамар кетмаганидан мамнун бўламан. Шу кунларга етказганига шукур. Замонамиз тинч, осмонимиз мусаффо, ризқу насибамиз бутун. Бу – улкан бахт. Илоҳим, тинчлигимиз абадий бўлсин, ҳар бир хонадонда бола кулгиси янгрисин. Ҳеч қачон уруш бўлмасин. Энг катта тилагим шу.

Унутилмас учрашув бўлди. Ҳарбий санъаткорлар ижросида куйланган куй-қўшиқлар барчанинг кўнглига хушнудлик улашди.

Шу куни Ҳайитмат ота шифокор кўригидан ҳам ўтказилди.

Ҳарбий хизматчилар эса учрашувдан сўнг отахоннинг уйида ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

ХОТИРА

НОМИ ЖАСОРАТГА МУҲРЛАНГАН ҚАҲРАМОН

Қуролли Кучлар давлат музейида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Боис Иргашев хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекининг қаҳрамон ўғлини ҳаёт бўлганида 5 май куни 100 ёшни қарши олган бўларди. Тадбирда қаҳрамоннинг оила аъзолари, дўстлари ва шогирдлари иштирок этди.

Мен Боис Иргашевнинг фронтдаги қаҳрамонликлари билан танишиб, ҳайратда қолгандим. «Ўзбекининг арслон ўғли» номли ҳикоямда Боис аканинг урушда кечган қаҳрамонлигини акс эттиришга ҳаракат қилганман. Хотира тадбирида ҳам унинг оловли йилларида кечган беқиёс матонати ва жасорати ҳақи-

да сўз борди. Шунингдек, урушдан кейинги тикланиш йилларида халқ осойишталиги ва мамлакат ривожига қўшган улкан хизмати эътироф этилди.

Даврани олиб борган педагогика фанлари доктори, профессор Юсуф Абдуллаев дастлаб Боис Иргашев ҳақида ўзининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди. Сўнгра тадбир меҳмонлари бирин-кетин фронтда қаҳрамон, тинчлик даврида фидойи хизматчи ва устоз бўлган улғ инсонни илиқ хотиралар ила ёд этишди.

Хотиралар... Бу қайноқ хотираларда номини жасоратга муҳрлаб кетган оловқалб инсон – Боис Ҳамидовичнинг ҳаёт йўли беихтиёр



Баҳром АБДУРАҲИМОВ

кўз олдингизда намоён бўлади. Тадбир давомида намоёиш этилган видеороликлар тадбир иштирокчиларининг қаҳрамон ҳақидаги фикрларини янада бойитди.

Хотира тадбиридан сўнг, меҳмонлар Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ва Боис Иргашев ҳақидаги маълумотлар билан танишди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

МУСОБАҚА



ЭНГ ЁШ ДАСТУРЧИЛАР «БИЛИМ ПОЛИГОНИ»ДА ЖАМЛАНДИ

*Хотира бор экан, тирикдир миллат,
Тирикдир ифтихор, тирикдир ғурур.
Хотира — элни халқ этгувчи қудрат,
Хотира — эртани ёритгувчи нур.*

Хотира – кечаги ўтмишимиз, эзгу анъаналаримизни авлодларга эслатиб турувчи йўлчи-маёқдир.

Ўз ҳаётини Ватан равнақи йўлида кўрган, бу йўл довларини юксак садоқат ва масъулият билан босиб ўта олган инсонлар номи ҳар лаҳза ёд этилади, хотирланади.

Марҳум майор Нодир Мирзаев ана шундай олийжаноб, фидойи ва меҳнатсевар юрт ҳимоячиларидан бири эди. У ўзининг ёрқин билим ва заковатини Мудофаа вазирлиги қўшинлари салоҳиятини янада юксалтиришга сафарбар этди.

Майор Нодир Мирзаев 1975 йилнинг 27 декабрида Тошкент вилоятининг Тошкент туманида дунёга келди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган йигит Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олди. Кучли билими ва меҳнаткашлиги туфайли республикамизнинг нуфузли ахборот-телекоммуникация соҳаларидаги масъул лавозимларда фидойилик билан хизмат қилиб, ном қозонди.

Ўша йиллари Мудофаа вазирлиги қўшинларида бошқарув тизимини такомиллаштириш, эски аналогли алоқа воситаларидан бутунлай воз кечиб, улар ўрнига замонавий алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари олиб борилаётган эди.

Тизимда ушбу вазифаларни қисқа муддатда бажара оладиган, ташаббускор, кенг ҳаётий тажрибага эга бўлган меҳнатсевар кадрлар сув ва ҳаводек зарур эди. Шундай кунларнинг бирида Нодир Мирзаев ўз тақдирини ҳарбий соҳа билан боғлашга қарор қилди.

Қаҳрамонимиз оз фурсатда Мудофаа вазирлиги қўшинлари бошқарувида алоқа тизимини ривожлантириш, замонавий алоқа, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича муҳим ташаббусларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлди.

Майор Нодир Мирзаев қизғин фаолияти давомида ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва ақлу заковати билан жамоа орасида шухрат қозонди, ўнлаб шогирдларига соҳа сирларини чуқур ўргатиб, устозлик қилди.

Афсуски, бевақт ўлим қаҳрамонимизни орамиздан эрта олиб кетди. У ҳарбий хизматдаги қарийб 2 йиллик фаолияти давомида камдан-кам инсонларга насиб этадиган эътироф ва ютуқларга эришди. Оиласи, фарзандлари ва шогирдларига катта илмий мерос қолдирди.

Бугун устози сабоғини олган кўплаб ҳарбий хизматчилар марҳум майор Нодир Мирзаев анъаналарини катта қизиқиш билан давом эттиришмоқда.

Биргина «Мен ёш дастурчиман» шиори остида ўтказилаётган майор Нодир Мирзаев хотирасига бағишланган мусобақа ҳам чин маънода қаҳрамонимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиром намунасидир.



Муаллиф суратга олган



Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббуснинг учинчи ташаббуси ҳамда Мудофаа вазирлиги Алоқа бош бошқармаси бошчилигида ўтказилаётган мусобақада нафақат ҳарбий хизматчилар, балки юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасалари мутахассислари ҳам иштирок этди. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда Алоқачилар ҳарбий қисмида ўтказилган ушбу мусобақада барча иштирокчилар мураккаб ақлий синовлардан бирма-бир ўтишди.

Мусобақанинг биринчи босқичида иштирокчилар «Жамоалар таркибида комплекс муаммоларни ҳал қилиш» йўналишидаги вазифаларни, иккинчи босқичда «Microsoft office» амалий дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича қўйилган топшириқларни бажарди. Учинчи босқич танловнинг «Дастурлаш» йўналишида бўлиб, унда барча иштирокчилар ўзларининг интеллектуал салоҳиятини амалда намойён этишди.



Мана, 3 кун давом этган хотира турнирининг синовли онлари ортада қолиб, мусобақа натижаларини эълон қилиш фурсати ҳам етди.

Тантанали тадбирда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, марҳум майор Нодир Мирзаевнинг ҳамкасблари ва яқинлари иштирок этди. Ҳарбий хизматчилар ва олий таълим муассасалари мутахассислари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг бир-бирлари билан тажриба алмашишларига қаратилган мусобақанинг якуний натижаларига кўра, курсант ва талабалар ўртасида фахрли биринчи ўринни Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти жамоаси эгаллади.

Иккинчи ўрин Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларига, учинчи ўрин эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси курсантлари жамоасига насиб этди.

Профессор, ўқитувчи ва офицерлар ўртасида эса биринчи ўринни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари моделлаштириш ва симуляция бўйича ахборот технологиялари махсус маркази

жамоаси, иккинчи ўринни Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти офицерлари жамоаси, учинчи ўринни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси кўлга киритди.

Тантанали тадбирда дастлаб мудофаа вазирлигининг «Мен ёш дастурчиман» шиори остида марҳум майор Нодир Мирзаев хотирасига бағишланган мусобақани ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Ғолиб жамоалар биринчи, иккинчи, учинчи даражали дипломлар, Мудофаа вазирлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ёрқин лаҳзаларга бой ўтган ушбу хотира турнири, аввало, ҳарбий хизматчилар ҳамда олий таълим муассасалари мутахассислари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг бир-бирлари билан тажриба алмашишлари учун илмий майдон яратиб бера олгани билан ҳам қимматлидир.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»

ТАҚДИМОТ

«101» – БИРЛИГИМИЗ АКС ЭТГАН ФИЛЬМ

Айни кунларда пойтахтимизнинг янада гавжумлашган ва серқатнов гўшаси бўлган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасидаги «Шон-шараф» музейида ўзбек халқи ва довурак ўғлонларининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган матонати, мардлиги, қаҳрамонлиги ҳамда юксак жасорати ифода этилган «101» фильми намойиш этилди.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаковнинг ташаббуси билан мактаб ва лицей ўқувчи-ёшлари иштирокида ташкил этилган тадбирда Тошкент ҳарбий прокуратураси, Ёшлар ишлари агентлиги мутасаддилари, Ёшлар иттифоқи фаоллари, ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Анвар Иргашев ва Юлия Медведовская асари асосида суратга олинган фильм намойиши ижодкорларнинг «Бир юз бир» деб номланган китоби тақдиротида уланди. Муаллифлар ушбу асарнинг ёзилиш тарихи, фильмнинг суратга олиниш жараёни юзасидан тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтаришди.

– Ушбу тадбир ёшларнинг қалби ва онгига халқимиз тинчлиги, она Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, унинг шўхратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётининг ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида сингдириб боришга хизмат қилади, – дейди адлия подполковниги Дилшод Бойқўзиев. – Зотан, ёш авлодни чинакам ватанпарвар этиб тарбиялаш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Тадбир сўнгида Иккинчи жаҳон урушида халқимиз матонати ва бирлиги акс этган ҳамда томошабинлар кўнглидан чуқур ўрин олган ушбу кино ижодкорларига гулдасталар тўхфа этилиб, эсдалик учун суратга тушилди.

Муаллиф суратга олган



Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

ХОТИРА – АЗИЗ, ҚАДР – МУҚАДДАС

АБАДИЯТГА ДАХЛДОРЛИК

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини йўқлаш анъанага айланган.

Бу гал Мудофаа вазирлиги масъул офицери подполковник Даврон Абдурахимов, вазирликнинг Хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Инновация, технология ва стратегия маркази вакиллари ҳамроҳлик қилдик.

Дастлаб пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги майор Султан Якубов (марҳум) хонадонидан бўлди. Бир оз суҳбатдан сўнг совғалар – китоблар жамланмаси ҳамда электрон китоблар ўқиш мосламаси болажонларга топширилди. Табассумли суҳбат қаҳрамонимизга уланганда кўзларга беихтиёр ёш қалқди.



– Турмуш ўртоғимни ҳар куни эслайман. У ҳақдаги эътирофларни эшитганимда фахрланаман. Фарзандларимиз – Самира, Ильвина, Валериянинг келажаги ҳақида орзулар қилардик. Мақсадларимиз зиёдаси билан ушалсин, руҳлари шод бўлсин, – дейди оила бекаси Света Якубова.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида истиқомат қилган капитан Жаҳонгир Тоғаев (марҳум) нинг оиласида 3 нафар ўғлон вояга етяпти. Уларнинг каттаси Жасурбек Рўзиев Ўзбекистон



олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти. Таътил пайтига тўғри келгани учун тахсил таассуротлари билан танишдик.

– Дадам менга «Сен, албатта, учувчи бўлишинг керак», дерди. Мана шу мақсад йўлидаман. 2-курсни тамомлаяпман. Насиб қилса, келажақда моҳир учувчи бўламан, она диёримизнинг само сарҳадларини қўриқлашга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман, – дейди у.

Аслиддин ва Масрурбек

ҳам оила бекаси Нафосат Юлдошеванинг ўғитларини олиб, келажақда эл корига камарбаста, етук мутахассислар бўлиб камол топиш ҳаракатида. Ишончимиз комилки, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган қаҳрамонлар ёди ана шундай фарзандлари сиймосида абадиятга дахлдор, умрбоқий бўлиб қолаверади.

Хусниябону Жўраева

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК – ИНСОНИЙ БУРЧ

Давлатимиз раҳбари фармонида мувофиқ, ғаллаороллик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бозорбой бобо Уроловга ҳам бир марталик 12 миллион сўм миқдорида пул мукофоти ҳамда эсдалиқ совғалар топширилди.

Бозорбой бобо Уролов Маданият қишлоғининг чуқур ҳурмат, эъзоз топиб келаётган нурунийларидан бири. Қишлоқ аҳли унинг дуосини олишга шошилади. Бозорбой ота урушга отланганида эндигина суяги қотган бўз йигит эди.

1943 йилнинг кеч кузи. Бозорбой Уролов 2-Украина фронтининг аскарлари сафида жангга кирди. Буг дарёси бўйлаб Барановичгача ёйилган Украина ерларини фашист газандаларидан озод қилиш барча жангчиларнинг диққат-эътиборида турарди. Аччиқ совуқ юзларни, баданни чимчилар, бир лаҳза бўлса ҳам исиниб олишнинг имкони йўқ эди. Уйқусизликдан жангчиларнинг

ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

кўзлари киртайиб қолган, аммо иродаси букилмаганди.

Кейинги икки-уч сутка давомида жангчиларнинг кетма-кет ҳужуми душманнинг тинкасини қуритди. Кутилмаганда «тигр»ларнинг ҳужумига тайёргана бошлаганлиги маълум бўлди. Ана шу пайтда оддий аскар Бозорбой Уролов командирдан жанговар топшириқ олди. У 2-Украина fronti жойлашган нуқтанинг жануб томонидан уч чақирим чамаси олдинга бориши, душман танклари келиши мумкин бўлган йўл бор-йўқлигини аниқлаб қайтиши керак эди. Бозорбой граната, ёнилғи солинган шиша ҳамда автоматни олиб, йўлга тушди. У тайинланган пунктга етар-етмас отишма бошланиб кетди. Олдинга силжишнинг ҳеч бир имкони йўқ. Бозорбой эс-ҳушини йиғиб олди-да, ётган жойида окоп қазишга киришди. Пулемётларнинг тариллаши ғашига тегарди.

Тонг отиши билан тизма тепаликлар орқасидаги отишма бироз тингандай бўлди. Лекин шу орада тепалик ортида баҳайбат танк пайдо бўлди. У тўппа-тўғри Бозорбой ётган окоп томон келарди. Окопдан чиқишнинг имкони йўқ. У бир лаҳза ўлим билан юзма-юз келди, аммо шу заҳоти эс-ҳушини йиғиб олди. Танк устида ўтирган гитлерчи уни пайқади шекилли, ҳовлиқиб бир-икки ўқ узди. Танк эса ўрмалаб келиб, окоп устидан ўтиб кетди. Гитлерчилар окопдаги аскар мажакланди, деб бамайлихотир эдилар. Лекин шу тобда устма-уст портлаш юз берди. Танк аланга ичида қолди.

У вақтни бой бермасдан яқин орадаги бутазорга етиб олишга шошилди. Душман пулемётининг тариллашидан унинг қулоқлари битиб қолганди. Бутазордан чиқиб, дарё лабига тушди-да, ўзини сувга олди. Ниҳоят, жасур жангчи дарёнинг нариги қирғоғига ўтишга муваффақ бўлди.

Бозорбой Уролов Киев ва Подмосковье учун бўлган жангларда ҳам жасорат намуналарини кўрсатди. Натижада «Жасорати учун» медали ҳамда полк командирининг бир нечта раҳматномасини олишга муваффақ бўлди. Унинг кўксини тўлдирган ордон ва медалларга ёшлар ҳавас билан қарашади. Отахон ҳар бирининг тарихи ҳақида ёшларга сўзлаб беради. Мактабимиз ўқувчилари Фотима Норқулова, Зафарбой Сулаймонов, Бехруз Тошқулов, Асад Данабоев каби фаол ёшларнинг саволларига бажонидил жавоб берди. Уруш ва тинч ҳаёт ҳақидаги ҳикоялар ёшларни қийинчиликларни мардона енгишга, жасур ва қўрқмас бўлишга даъват этди.

Низомиддин ЯРБЕКОВ,
Ғаллаорол туманидаги
53-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

ЎТМИШГА НАЗАР

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА



ҲАРБИЙ САНОАТ ВА ТАЪМИНОТ

Ўрта Осиёда ҳарбий санъат ва қуроллар ишлаб чиқариш қадимдан юқори савияда бўлган. Бундан уч минг йиллар аввал икки дарё оралиғида яшаган халқлар камон ва унинг ўқларини, ойболталарни, отлар учун ҳимоя ниқобларини ясай олганлар. Асрлар давомида турмуш тақозоси билан бундай қуролларнинг турлари, сифати ортиб, такомиллашиб борган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида қўлланган қурол-яроғлар ҳақида биз оз маълумотларга эгамиз. Лекин кейинги даврларга оид маълумотларга таққослаган ҳолда бу ҳақда тасаввурга эга бўлиш мумкин. Масалан, ёзма манбаларда XVI-XVII асрларда қуроллар ишлаб чиқариш марказлари бўлган Самарқанд ва Бухорода кўплаб совутлар, камон, камон ўқлари, шамшир, дубулға, қилич, қалқон, пичоқлар ишлаб чиқарилганлиги маълум.

Ўз замонасининг энг етук давлат бошлиғи ҳамда саркардаси бўлиб етишган Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ҳамда унинг анча йиллик узлуксиз юришлари Марказий Осиё ҳарбий соҳасининг янги даври бўлди, деб бемалол айта оламиз. Амир Темур кучли реформаторлик қобилиятига эга бўлиб, бу асосан ўзининг қўшини, жанг тактикаси ва қурол-яроғ соҳасига ижобий таъсир кўрсатди. Тўғри, бу даврни тўла янгиликлар даври деб айта олмаймиз, чунки ҳали Амир Темур фаолиятининг бошланғич давларида совут ёки бошқа қурол-аслаҳа тайёрланиш жараёни мўғулларнинг услубига ўхшаш ҳамда унинг таъсири анча салмоқли бўлган.

Амир Темур даврига оид қурол-яроғлар ҳақидаги маълумотларни ёзма манбалар, келгусида олиб бориладиган археологик тадқиқотлардан, шунингдек, миниатюра асарларини кенгроқ ўрганган ҳолда билиб олишимиз мумкин. Ҳозирда бу мавзунинг бироз бўлса-да ёритишда қадимги манба сифатида «Темур тузуклари»дан фойдаланиш мумкин. Китобнинг «сипоҳнинг яроқ-жабдуқлари ва анжом-жиҳозлари тузуги» бўлимида келтирилган сатрлар қизиқарлидир. Амир Темур: «Шундай буйруқ бердимки, юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ-ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, бир қоп, жуводиз, болта, ўнта игна ва орқага осадиган чарм халта олсин. Баҳодирлардан ... ҳар бири битта оддий темир совут, дубулға, бир қилич, садоқ, ёй ва тузукка мувофиқ от олсин. Ўнбошилардан ҳар бири ... совут, қилич, садоқ, ёй ... олсин. Юзбошилардан ҳар бири ... қилич, садоқ, ёй, гурзи, чўқмор, каскан, зирих, батгар олсин. Мингбошилардан ҳар бири ... жавшан, дубулға, найза, қилич, садоқ ва ўқ-ёйдон кўтарганича олсин ... Пиёдалар бўлса ҳар бири ... бир қилич, бир камон ва кўтарганича ўқ-ёйдон олсинлар», дейилган.

Амир Темур ўз салтанатини анча кенгайтирганидан сўнг ўз пойтахтига турли шаҳарлардан кўплаб хунармандларни олиб келиши кўп соҳалар қатори темирга ишлов бериш жараёнини ҳам анча такомиллаштирди. Бу эса ўз навбатида мустақамлиги анча юқори бўлган совут, қилич каби жанг қуролларини ишлашга имкон берди. Бундан ташқари армияга бошқача тус берилди, энди унда пиёдалар, камончилар, отлиқлар ва бошқа қўшин турлари алоҳида-алоҳида бўлиб шакллантирилди.

Бу даврда совут тузилиши ўзгармаса ҳам ясашиш технологияси анча такомиллашди. Энди унинг тангачалари бир-бирига эмас, балки тери

тасмага қатор тизилиб, кейин бирлаштирилди. Бу ўз навбатида конструктив хислатларини анча такомиллаштириб, чидамлилигини оширди.

М.Е. Массон ўз тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келдики, Амир Темур давлатининг вужудга келиши мамлакатдаги ҳарбий саноатни янада ривожланишига олиб келди. Юртимизга оид яна бир нарса бу машҳур Дамашқ пўлати эди. Дамашқ ўзининг қиличлари билан жуда машҳурдир. Лекин унинг Ватани Фарғона бўлиб, унга «Дамашқ номи берилиши оддий тарихий англашилмовчилик оқибатида вужудга келган». Яъни бу пўлатдан ишланган қуроллар билан европаликлар илк бор Дамашқда тўқнаш келишганлиги боис у шу номни олган.

Мўғуллар хитойликлардан борут (порох) дан фойдаланишни ўргандилар, ундан лаҳим кавлашда ва портлатиш ишларида фойдаландилар. Мўғуллар душман мудофаа иншоотларини ёндириш учун отшандозлардан, нафт билан тўлдирилган идишлардан ёки гранаталардан фойдаланардилар. Темурбек армиясида ҳам ичига ёнувчи модда – нафт солинган кўзачалар ирғитувчи ўт сочиш қуроли – радаяжат узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи махсус тўпчилар – раъдандозлар мавжуд бўлган. Гарчи араблар еттинчи асрдан бошлаб ёнувчи нафт (нефть)ни шу мақсадда ишлатган бўлсалар-да, Оврупа, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ орқали XIII-XIV асрларда борут билан танишди. Новаклар учига секин ёнувчи порохни бириктириш орқали ясалган ёнувчи ўқлар ҳар қандай ёнувчан жисмни алангалатиш қобилиятига эга бўлган. Тошларни порох ёндириш орқали отиш мумкин бўлган. Муиниддин Натанзи ёнувчи қуроллар Темур қўшинлари томонидан 1379 йили Гурганж қамал қилинганда ишлатилганини эслатганди.

Подполковник И. ХОЛОВ,
подполковник Р. РАЖАБОВ,
Қуролли Кучлар академияси ўқитувчилари

КАТРА

Қизиқ, нега инсон умрини фаслларга ўхшатишаркин. Фасллар каби беғубор, фасллар каби тизгинсизлигимми? Қайдам... билганим, қайси фасл бўлмасин, унинг ҳар лаҳзасини том маънода яшаб ўтиш керак. Шундагина умрнинг кузида биздан мевалар, боғлар қолиши мумкин. Қўрқмай кириб бориш мумкин қаҳратон қишларга.

Болалик – энг гўзал фасл. Хаёлан унга қайтишим билан юзимга табассум югуради. Қани энди ҳамма болалигини қувонч билан орзиқиб эсласа. Бир зум бўлса-да, юрагига қувонч қайтса. Шундай пайтларда бола бўлган-у, болалиги бўлмаган уруш дарвида улғайган бувим кўз ўнгимда гавда-

ВАТАН ЯҒОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёху.
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.
Севгидан етим-у умрдан ярим,
Қуриган кўксига ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак...

ланади. Унинг ажин тўла юзлари, қалтироқ қўлларини кўзларидаги мунг хотирамда абадий қолган.

Дарҳақиқат, урушга эркаклар кетгани билан фронт ортида аёллар ҳам синовли йиллар жабрини тортишган. Дала кенг, ҳосил мўл, улар-


ни йиғиштириб олиш учун техникаларнинг аёллар бошқаришига, гектар-гектар ерларни суғоришига тўғри келган. Аёлларнинг деярли ҳаммаси ўн саккиз, ўн тўққиз ёшли эди. Аммо матонати, юртга бўлган муҳаббати, душманга бўлган нафрати бу нозик қалб соҳибаларининг ҳаммасини уддалашига сабабчи бўлди. Биргина Зебо Ғаниевани кўз олдимишга келтирайлик. Душманга қарши мардонавор курашиб, ўн бир ойда ўн етти марта операцияни бошидан ўтказган аёл қанчалар бардошли бўлган. Ҳаёт

қўлларида гул эмас, совуқ қурол тутқазган бу каби аёллар ҳар қанча эътироф ва таҳсинга лойиқдир.

Одатий кунларнинг бирида пойтахтимизда қад ростлаган «Ғалаба боғи»га бордик. Ҳарбий журналистика йўналиши талабаси, шу юртининг қизи сифатида кўнглимдан эзгу ўйлар ўтди. Пештахталардан жой олган Иккинчи жаҳон урушида вафот этганлар, бедарак йўқолганлар рўйхати кўнглимни ачиштирди. Аммо шу тинч кунларга етгунимизгача қанча қон тўкилиб, қаҳрамонликлар кўрсатилганини ҳис қилдим. Ватан учун хизмат қилган ўғлонларни миллат унутмаслигини яна бир бор англадим. Зеро, осойишта кунларнинг қадрига етиб, Ватан деганда ўзни аямаслик олий шарафдир!

Сабина МАШАРИПОВА,
ЎЗЖОКУ Ҳарбий журналистика
йўналиши талабаси

МУСОБАҚА



ЖИПСЛИКНИ ОШИРИБ, ИШТИРОКЧИЛАРНИ ТОБЛАДИ

«Чирчиқ» дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчилари ўртасида «Армия биатлони», «Тош кўтариш» ва «Ўқ отиш спорти» мусобақалари ўтказилди.

Икки кун давом этган мусобақада 8 нафар ҳарбий хизматчидан иборат 14 та терма жамоа қатнашди. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган мусобақа иштирокчиларини Чирчиқ полигонидида шабада, салқин ҳаво қаршилади. Баҳорнинг сўнгги оёи, кунлар қизий бошлаган паллада бу айни муддао эди. Ватан ҳимоячилари вақтни ғанимат билиб, шартларни бажаришга киришиб кетишди.

«Армия биатлони» текис ва нотекис жойларда югуриш, арқонга осилиб чиқиш ва тушиш, гранатани аниқликка улоқтириш, пичоқни нишонга отиш, енгил атлетика тўсиқларидан ўтиш ва кичик калибрли милтиқдан ўқ отиш элементларини қамраб олди. Ушбу шарт Ватан ҳимоячиларини ҳар томонлама тоблаши билан аҳамиятли бўлди. Улар 3 км масофани югуриб босиб ўтиш давомида пичоқни нишонга санчиш, тўсиқдан ошиш, арқонда осилиб чиқиш ва тушиш, граната улоқтириш, ўқ отиш каби машқларни бажардилар.

«Ўқ отиш спорти» армия ҳаётида мунтазамлик касб этгани учун ҳар бир иштирокчи иккинчисидан ортда қолмасликка тиришарди.

Мусобақанинг иккинчи кун иштирокчилар эрта тонгдан тош кўтариш бўйича беллашишга киришиб кетишди. Дастлаб қоидалар, танбеҳли ўринлар яна бир бор эслатилди. Шундан сўнг забардаст ўғлонлар 70, 80 ва +90 кг вазнда ўзларининг қанчалар чайир эканликларини намойиш этишди. Кузатувчиларнинг завқи, шижоати иштирокчиларникидан ошиб тушади. Азбаройи кўлидан тошни олиб қўйиб, ўрнига кўтариши қолади. Уларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, жипслигини кўриб, бирдамликдаги армияга ишончингиз ортади.

Ниҳоят, натижалар эълон қилинди. Унга кўра, «Армия биатлони» бўйича якка тартибда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Зухриддин Усмоналиев, жамоа таркибида эса мазкур билим юрти жамоаси биринчиликни қўлга киритди.

Ўқ отиш мусобақасида якка тартибда ғолибликни Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан келган кичик сержант Баркамол Турсунов эгаллаган бўлса, жамоа таркибида 1-ўрин Қуролли Кучлар академиясига насиб қилди.



Тош кўтариш мусобақасида 70 кг вазн тоифасида кичик сержант Элдор Бойдуллаев (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ), 80 кг вазнда контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азизбек Кимсанов (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ), +90 кг вазн тоифасида Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Абдулазиз Қудратов мутлақ ғалабага эришди. Умумжамоа таркибида ғолибликни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакиллари эгаллади.

«Армия биатлони», «Тош кўтариш» ва «Ўқ отиш спорти» мусобақасида умумжамоа таркибида 1-ўринга Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, 2-ўринга Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, 3-ўринга Шимоли-ғарбий ҳарбий округ жамоаси сазовор бўлди. Ғолиб ва совриндорларга диплом, кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



СЎНҒИ (Воқеий ҳикоя)

ПУШДАЙМОН

Шердор бугун хизматга бормади. Бирор сабаб бўлмаса-да, уйда қолгиси келди. Касбига фидойи йигитда бундай ҳолат аввал бўлмаган. У кун бўйи бир неча бор қизалоғи Соҳиранинг расмини кўлига олиб, термилди. Ҳозир ҳам курсига ястанган кўйи унинг сурати билан унсиз сўхбатлашиб ўтирибди. Расмга лаблари чўччайиб тушган қизчаси «қачон келасиз, дадажон, сизни соғиндим», деяётгандек юраги эзилди, соғинганини ҳис қилди. «Ҳадемай беш ёшга тўлади... беш ёшга, – аста пичирлади йигит. – Сени ўз қўлларим билан ўгай отага топширдим, мени кечир, болам...» Шердорнинг кўзларидан унсиз ёш қуйила бошлади ва ҳаво етишмаётгандек оғриқ кирган кўксини чангаллади...

Шердорнинг шифохонада даволанаётганига икки ҳафтадан ошди. Юраги хуруж қилган йигитнинг асаблари ҳам ўта толиққанди. Бир томони ёлғизлик. Иккинчи турмуши ҳам ўхшамаганидан кейин аёлларга қўл силтагани у. Яхшики, севган касби бор. Эрта кетиб, кеч қайтади. Аммо хонадонига қачон қайтган тақдирда ҳам, кимнингдир эшик очиб кутиб олиши, кимгадир кераклигини ҳис қилиш бахт эканини Шердор кун ўтган сайин теран англаб борарди.

Ҳарқалай унинг ҳаётдан умиди бор. Бу – қизалоғи Соҳира. Шифохонага тушганидан кейин онаси Мўсина опа уни бир неча бор олиб келди.

– Мени соғиндингми, маликам, сени роса соғиндим, – қизчасининг худди ўзиникидек кўнғирок сочларини силади Шердор.

– Соғиндим, жуда соғиндим. Нега касал бўлдингиз, дадажон? – қўлчалари билан дадасининг юзларини сийпалади қизалоқ. – Тушимда мени чақирдингиз.

– Йўғ-е, тушинга кирдимми? – қизчасини эркалаб, бурнини чимчиб кулди у.

– Ҳа-а, кейин ойимга мени дадамга олиб боринг, дедим. Кўнмагач, йиғладим. Шунда бувижоним келиб қолдилар, бирга олдингизга келдик.

– Ўзимнинг меҳрибоним, сен келдинг-у, дардларим кетди. Энди яхши бўлиб қоламан.

– Дадажон, мен катта дўхтир бўламан. Сизни ўзим даволайман. Ўшанда сира касал бўлмайсиз.

– Катта бўлсам, шифокор бўламан, дегин?

– Шунақа-а, кейин келинчагам бўламан-а.

– Келинчак...

– Ҳа-да, келинчак бўлсам, ҳаммага салом бераман. Биласизми, келинчақлар қандай салом беради, ҳозир кўрсатаман.

Қизалоқ дадасининг тўғрисига туриб олиб, эгилиб-эгилиб салом қилишга тушди...

Ота-боланинг сўхбатини жимгина эшитиб ўтирган Мўсина опа дам кулар, дам кўзёшини артарди. Кўз олдида сўниб бораётган ўғлига қандай ёрдам беришни билмасди. Турмуш ўртоғи тирик бўлганда-ку... Ҳаёт деганлари бевафо экан. Элликка ҳам тўлмаган Лочин акани юрак хуружи тутди-ю, фурсат ўтмай бу дунёни тарк этди. Ҳарқалай тўй кўрди. Ўшанда Шердорни эндигина уйлантиришган эди...

– Шердор ака, ташқарига чиқиб, айланиб келайлик. Негадир роса қурут егим келяпти, – ҳомиладорлиги сезилиб қолган Камола ялинчоқ оҳангда эрдан илтимос қилди. – Чорраҳада битта аёл қурут сотиб ўтиради. Ўшанинг қурути кўз олдимдан кетмаяпти.

– Камош, биласан-ку, дам олиш куни уйдан чиққим келмайди, – ёнбошлаб телевизор кўриб ётган Шердор эринчоқлик билан жавоб қайтарди. – Менга қара, икки ойдан кейин туғасан, ҳалиям токсикозинг тарқамадими?

– Егим келса, нима қилай? Агар чиққингиз келмаса, ўзим айланиб келаман. Шифокорлар кўп юришимни тайинлаган, ҳомиладорлар учун бу фойдали.

– Қўймадинг-қўймадинг, тайёрлан, ўн дақиқада чиқиб кетамиз...

Ёз чилласи. Катта шаҳарда ҳаёт қайнайди. Кун қайтиб, шабада ўрмалаганда сайрга чиқувчилар кўпаяди. Айниқса, кўп қаватли диққинафас уйларда яшовчилар учун бу айни муддао. Одамлар оқимида икки ёш ҳам бор. Шердор ўз хаёллари билан банд, Камоланинг ўй-хаёли чорраҳадаги кампирнинг қурутларида: «Ишқилиб кампир бугун чиққанмикан, қурути туғаб қолмаган бўлсин-да, – шўртак қурутларни кўз олдига келтириб, ютиниб қўйди келинчак. – Хайрият, ана ўтирибди», у эрини ҳам унутиб беихтиёр ўша томон қадамни тезлатди.

– Холажон, қурут беринг. Ўзим танлаб олсам майлими?

– Олақолинг, қизим, хоҳлаганингизни олинг. Камоланинг қурут савдоси пишмай Шердор етиб келди.

– Камола, шошма! Нима, шу қурутдан емоқчимисан?

– Ҳа, холанинг қурутидан егим келяпти, деб сизга айтдим-ку.

– Шу йўл бўйидаги чанг босган қурутдан-а? Яна қимматлигини-чи бунинг. Сабр қилсанг, ўзим сенга Чорсу бозоридан бир кило олиб келаман.

– Мен шу қурутдан емоқчиман, бошқаси керак эмас!

– Емайсан, ўзингни эмас, болани ўйлашинг керак. Нафсингни деб...

Эрининг дилга ботувчи аччиқ сўзларидан кейин Камола олган қурутларини жойига қўйди-ю, кўзида ёш билан ортига қайтди...

Талабалик чоғидан севиб-севилиб оила қурган икки ёшнинг гап-сўзи, фикрлаши асло бир-бирига тушмасди. Шердор ҳар гал арзимас нарса учун хотинига танбеҳ берар, бисотидаги аччиқ сўзларни аямасди. Кейин эса кечирим сўрашга тушарди. Камола қай даражада сабрли ва бағрикенг бўлмасин, эрининг гапларидан кўксига оғриқ кирар, аразлашни қўймасди. Баъзида «Наҳот, тўрт йил бирга ўқиган курсдошимнинг оғир феъли борлигини билмаганман? дея ўзини койирди.

Ойлар ўтиб, гўзал қизалоқ Соҳира ёш оилага қувонч олиб келди. У шу қадар отасига ўхшардики, кўрган одам ҳайратини яширмасди. Аммо бу фаршта ҳам ота-онаси ўртасидаги келишмовчиликка барҳам бера олмади. Шердор хотини чизган чизиғида юришини истарди. Уй туттишидан тортиб, кийиниши, овқатланиши, гапиришига қадар унга ёқмаган томонларига қаттиқ сўзлар билан танбеҳ берарди ҳар гал. Аччиқ муомала-ю, унинг ҳосиласи бўлмиш араз ёшлар ўртасидаги меҳрни қиймалаб борди. Навбатдаги тортишув эса...

– Сизнинг қалампирдан аччиқ гапларингиздан юрагим безиллаб қолди, чарчадим.

– Чарчаган бўлсанг, катта кўча, отангникига кетишинг мумкин! Ҳа-а, айтгандек, аввал ҳам кетгандинг, шекилли. Аммо бу сафар кетсанг, қайтиб келмайдиган бўлиб кет!

– Шундайми, сизга хотин, бола керак эмас-а?

– Керак бўлса, онаси ўпмаганидан топиб оламан! Қизим катта бўлса, мени тушунади. Фақат сенга ачинаман. Аёл киши қайтиб бахт топиши осон эмас.

– Ундай бўлса...

Камола ортга қайтмади. Шердор ҳам аввалгидек ялинмади. Катталарнинг барча саъй-ҳаракати бекор кетди. Орадан бир йил ўтиб-ўтмай, Шердор уйланди. Ўзи айтганидек, қиз болага уйланди. Бундай бўлишини кутмаган Камола анча фурсат ўзига келолмай юрди. Уч ёшли қизчасини онасига бериб, ишга кирди.

Ҳаёт тўхтаб қолмайди, андуҳлар чекинади. Майин, гўзал Камолага уйланмаган йигит ошиқ бўлди. Бекзод Шердорнинг бутунлай акси эди. Умрини қизига бағишлашни мақсад қилган жувон тақдир ҳукмини ўзгартира олмади...

Фақат... фақат Камоланинг тўйи бўлган кун Шердор илк бор юрагини чангаллади. Камолани қай даражада севишини шундагина англаб етди. «Камола қайтиб оила қурмайди, у доимо меники бўлиб қолади», деган ўй билан яшаётган Шердор тушқун йигитга айланди. Бир томонда иккинчи хотини Зиоланинг туғмаслиги аниқ бўлди. Йигитнинг бойлигига учиб турмушга чиққан Зиола бир дунё давлат билан отасиникига қайтди...

Дам олиш куни. Шердор қизини кўргани борди.

– Асал қизим, сенга келинчак қўйлак оламизми? – дилида тугиб қўйган ниятини амалга оширишга шошилди у.

– Во-ой, бозорга борамизми?

– Келинчак қўйлак бозорда сотилса, борамиз-да. Кетдикми?

– Кетдик, – қувончдан сакради Соҳира...

Мана, қизалоғи оппоқ либосда. Соҳирага келинчаклик либоси шундай ярашганки, Шердор дилбандини расмга муҳрлашга тушди. Қизалоқ шуни кутиб тургандек, бошидаги оппоқ ҳарир ёпинчиқ билан дадасига эгилиб-эгилиб салом беришдан чарчамасди. Қани энди қизалоғи ёнида қолса, унга эртақлар айтиб берса, эркалатиб ухлатса... Бунинг иложи йўқ. Шундоғам Камола неча бор телефон қилди. Ягонасини ўша ўгай ота хонадонига олиб боришга мажбур у.

Ота-бола бир-бирларига тўймай хайрлашишди. – Дадажон, энди қачон келасиз, тезроқ келинг хўпми?

– Хўп, қизим. Ҳозир расмларингни чиқартираман. Кейин дам олиш куни бирга альбом қиламиз...

«Менинг қизим дунёдаги энг гўзал, энг бахтли келин бўлади ҳали, – беш ёшли келинчакнинг расмларини кўлига олиб, кўзида ёш билан ният қилди Шердор. – Балки у вояга етиб келин бўлганида ёнида бўлмасан. Аммо унга оқ либос қанчалар ярашганини бугун кўрдим». У қизининг расмларига қараб тўймасди. Кейин: «Онажон, бир келиб кетинг», дея Мўсина опага телефон қилди. Боласининг юрагидан хавотирдаги оназор келганида Шердор қизалоғининг расмларини бағрига босганича жон берганди...



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



Бу саҳифамиз ҳарбий хизматчиларимиз билан елкама-елка хизмат қилаётган, уларнинг машаққатли хизматларида далда бўлаётган, турмушнинг барча икир-чикирини елкасига юклаб, умр қарвонини биргаликда босиб ўтаётган нозик хилқат вакилларига, мунис аёлларимизга бағишланади.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Гендер тенглиги сиёсатига кўра, эркеклар ва аёллар ҳамма нарсада тенг ҳуқуқлидир, яъни билим олиш, касб-ҳунар танлаш, лавозимга кўтарилиш. Аёлларимиз қанчалик ўқимишли, салоҳиятли бўлишса, буни келгусида фарзандларига «юктиради» ва фарзандлар тарбиясига масъулият билан ёндашади. Бу эса ўз навбатида юртимиз келажаги эгаларининг етук инсон бўлишларига хизмат қилади.

Қайси соҳа вакили бўлишдан қатъи назар, аёл асосий вақтини оиласи, турмуш ўртоғи ва фарзандларига бағишлайди. Қай ҳолатда бўлмасин, аёл меҳрибон она, севиқли ёр, пазанда бека, хонадон фариштасидир.

Саҳифамизда нафосатли аёлларимиз учун фарзанд тарбияси, гўзаллик сир-асрорлари, психологиядан фойдали маслаҳатлар ва ибратли кичик ҳикоялар ҳамда мазали таомлар рецептлари каби кундаликда асқатадиган тавсияларни бериб борамиз. Бу саҳифамиз сизларга ёқади, деган умиддамиз.

Фарзанд тарбияси

Болаларни тарбия қилгани, улар баривбир еизга ўжтайди. Ўзини тарбия қилинг.

Психологдан маслаҳатлар. Болалар учун айтиладиган энг яхши мақтовлар уларни яхши томонга ўзгаришига ва ўсишига ёрдам беради. Масалан:

- ЖУДАЯМ ҚОБИЛИЯТЛИСАН-ДА, БОЛАЖОНИМ!
- СЕНИ ШУНДАЙЛИГИНГЧА ЯХШИ КЎРАМАН!
- АНА, КЎРДИНГМИ, БУНИ УДДАЛАДИНГ!
- МЕНИ ЖУДАЯМ ХУРСАНД ҚИЛДИНГ!
- МЕН СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН!
- ҚИЛА ОЛИШИНГНИ БИЛГАНДИМ!
- СЕН МЕНГА КЕРАКСАН!
- АЛБАТТА, КУЧИНГ ЕТАДИ!
- СЕН МЕНИНГ МЎЪЖИЗАМСАН!
- БОРГАН САРИ ЯНАДА ЯХШИ УДДАЛАЯПСАН!



- МЕНИНГ ЭНГ ЧИРОЙЛИГИМ ЎЗИНГСАН!
- МЕН СЕН БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!
- ХУДДИ ЎЗИДЕК ЧИҚИБДИ!
- ЗЎР БЎЛИБДИ!
- ҚОЙИЛ!
- АЖОЙИБ!
- БАРАКАЛЛА!
- ТАБРИКЛАЙМАН, ДИЛБАНДИМ!
- МЕНГА СЕНИНГ ЁРДАМИНГ МУҲИМ!
- СЕН БИЛАН ЎҚИСАК (ЎЙНАСАК), МАЗА ҚИЛАМАН!

Ва албатта, фарзандингизни тез-тез бағрингизга босиб турунг. Юқоридаги сўзлар сиз учун ғалати туюлар, аммо болажонлар учун жуда муҳим. Ҳа, айтгандек, бу сўзларни нафақат оналар, балки оталар ҳам тез-тез ишлатиб туришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Гўзаллик учун 15 дақиқа

Кун давомида ўзимиз учун бир неча дақиқа вақт ажратсак, ташқи кўринишимиздан мамнун бўлиб, кайфиятимиз янада кўтарилади. Сизларга оддий, уй шароитида тайёрланадиган ёшартирувчи, ажинларга қарши, намлантирувчи, турли хил сепкил ва пигмент доғлардан халос этувчи мўъжизавий ниқобларни тавсия этамиз. Улардан ҳафтада 3-4 марта 2-3 ой давомида мунтазам равишда фойдалансангиз, албатта, кўзлаган натижангизга эришасиз. Ниқоблардан кечки пайт фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Картошкали ниқоб. Картошкани қирғичдан ўтказиб, унга оз миқдорда сут қўшиб қайнатамиз. Сўнгра оловдан олиб, бир неча томчи лимон шарбати қўшамиз-да, блендрда бўтқа ҳолига келтирамиз. 2 чой қошиқ гуруч унини солиб, аралаштирамиз. Ниқоб крем ҳолатига келгач, уни тоза юз терисига кечки пайт 15-20 дақиқа суриб қўямиз. Бу ниқобни музлаткичда сақлаб, ҳафта давомида ишлатиш мумкин.

Тухум ва асалли ниқоб. Битта тухум сариғини оқидан ажратиб оламиз ва бир чой қошиқ асал билан аралаштирамиз. Аралашмани юз терисига 20 дақиқага суриб қўямиз, сўнгра илиқ сувда ювамиз.



Косадаги «Ажабсанда»



Кечга нима овқат қилишга ўйланыпсизми? Унда сиз учун мазали, оддий ва фойдали бўлган рецептни ҳавола қиламиз.

Керакли масалликлар: гўшт, картошка, пиёз, помидор, гуруч, тухум ва зираворлар.

Тайёрланиши: картошка, пиёз, гўшт ва помидорларни сомонча қилиб тўғраб оламиз. Тайёр бўлган масалликларга ивигилган гуруч ва таъбга кўра зираворлар солиб, аралаштириб, косаларга соламиз. Сўнгра косалар устига бир дондан тухум чақиб, мантиқозонга териб чиқамиз. «Ажабсанда» ўртача оловда 35-40 дақиқа давомида тайёр бўлади.

Ёқимли иштаҳа!

Саҳифани Сайёра МИРЗАЕВА тайёрлади.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги Иштихон тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда.



Жумладан, бугунги кун талаблари асосида ҳайдовчилар тайёрлашга жиддий эътибор қаратаётган ушбу ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоасининг жорий йил ўтган ойлари мобайнида эришган муваффақиятлари салмоқли бўлди. Бунга кўра, «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш кўлами янада ривожлантирилиб, бўлажак ҳайдовчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Турли русумдаги енгил ва юк автомобиллари улар ихтиёрида.

Ҳамма жойда бўлгани каби Иштихон туманида ҳам спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилляпти. Чунинчи, ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилляпти. Дуатлон, авиамодель каби секциялар ишлаб турибди. Тўғарак аэзолари туман ва вилоят мусобақаларида иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

– Ташкилотимизда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Алижон Темиров. – Шу боисдан туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари, ёшлар агентлиги бўлимлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан биргаликда чақирувга қадар бўлган ёшлар ва чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақириш даврида олиб бориладиган ташкилий-оммавий ва тарбиявий ишларнинг қўшма режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, режа асосида ёшларни ижтимоий фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида турли мавзуларда маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

Маълумки, юртдошларимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасоратлари бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишляйди. Шу муносабат билан тумандаги уруш фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари улашилди. Ўз навбатида бундай тадбирлар ёш авлодни ота-боболаримиз жасоратига муносиб қилиб тарбиялашда ўз самарасини беради.

Шунингдек, Иштихонда ҳам ёшларни меҳнат бозорининг турли ва талабгор касбларга тайёрлайдиган ўқув курслари ташкил этилмоқда. Бунга кўра, тумандаги «Ёшлар дафтари»га киритилган 125 нафар фуқаронинг ҳайдовчилик касбини эгаллашига шароит яратилмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК!

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Фарғона вилояти кенгаши тасарруфидаги Учкўприк тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси

мамлакатимиз тинчлиги ва чегараларимиз дахлсизлиги учун матонат билан хизмат қилаётган ҳарбийларни, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида фаолият олиб бораётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимларини ҳамда барча юртдошларимизни муборак Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрикляйди.

Ушбу айём хонадонингизга файзу барака олиб келсин!

Фурсатдан фойдаланиб, Учкўприк тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС», «Д», «Е» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларидан ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг, ракетамодел ва ёзги биатлон тўғаракларида шуғулланишга таклиф этади. Назарий дарслар, амалий бошқариш машғулотлари ҳамда тўғараклардаги машғулотлар малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши кафолатланади.

Манзил: Учкўприк тумани, «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси.

Телефон: 91-146-45-44



ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА



ГРЕЦИЯ

ҲАРБӢЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Европа қитъасининг жануби-шарқий қисмида, Болқон оролининг жануби ва унинг атрофидаги оролларда (энг йириклари – Крит, Эвбея, Родос ва Лесбос) жойлашган, аҳоли сони бўйича унча катта бўлмаган (деярли 11 миллион киши) Греция Республикаси миллий армияси таркибидан жой олган Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК)га 1912 йилнинг 8 февралда асос солинган. Уша йилнинг июнь ойида денгиз авиацияси хизмати, сентябрда эса дастлабки учувчилар ротаси ташкил этилган. Учувчиларни ўргатиш ва ҲҲК учун самолётлар харид қилиш асосан Францияда амалга оширилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида немислар бошқариб келган сўнг тўлиқ йўқ қилинган мамлакат ҲҲК урушдан кейин қайта ташкил этилган. 1952 йилда НАТО таркибига қабул қилинган Греция бу турдаги қўшинларда кенг қўламли модернизация ишларини амалга оширди. Жумладан, барча винтли самолётлар F-84, F-86 ва F-104 типидagi реактив самолётлар билан алмаштирилди. Утган йиллар мобайнида Греция ҲҲК Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва НАТО миссияси доирасида кўплаб мамлакатларда ўтказилган инсонпарварлик ва ҳарбий операцияларда иштирок этиб келган.

Ҳозирги даврга келиб замонавий кўринишга эга бўлган бу турдаги қўшинлар тузилмавий жиҳатдан ҲҲК бош штаби, учта авиацион қўмондонлик (тактик, моддий-техник таъминот ва қўллаб-қувватловчи, ўқув), шунингдек, кўплаб бошқа қисм ва бўлинмалардан ташкил топган. ҲҲК қўмондони ҳузурида маслаҳат берувчи (консультатив) орган вазифасини бажарувчи олий кенгаш ташкил этилган. Унинг таркибига ҲҲК қўмондони (раис), тактик авиация қўмондонлиги қўмондони ва генерал-майор унвонидан паст бўлмаган барча олий офицерлар киритилган.

Тактик авиация қўмондонлиги Греция ҲҲКнинг оператив бирлашмаси ҳисобланади ва авиация кучларини қўллаш, қуйи штаб ва бўлинмаларнинг оператив ва жанговар тайёргарлигини режалаштириш ҳамда назорат қилиш, уларга қарашли куч ва воситаларга раҳбарлик қилиш учун масъул ҳисобланади. Қўмондонлик таркибига бирлашган авиация бошқаруви маркази, 6 та авиация қаноти ҳамда зенит-ракета дивизиони бор. Асосий жанговар қисм ҳисобланувчи авиация қанотлари ўз таркиби бўйича хилма-хил бўлиб, улар турли вазифаларни бажарувчи (қирувчи, бомбардимончи, аралаш) 2 тадан 4 тагача авиация эскадрильясига эга.

Моддий-техник таъминот ва қўллаб-қувватловчи авиация қўмондонлиги мамлакат Қуролли Кучларининг барча турлари манфаатида ҳаво орқали қўшин ва юклар ташишни ташкил этиш, қидирув-қутқарув операцияларини режалаштириш ва ўтказиш, шунингдек, тегишли қисм ва бўлинмаларнинг моддий-техник таъминоти учун жавоб беради. Ташкилий жиҳатдан бу қўмондонлик таркибига иккита

ёрдамчи авиация қаноти (жами 6 та авиация эскадрильясига эга), 359-алоҳида эскадрилья, 31-қидирув ва қутқарув отряди, 2 та қурол-яроғ омбори ҳамда 2 та завод (авиация, телекоммуникация ва электрон ускуналар) киради. 112-авиация қаноти таркибига Жанубий Европа минтақасининг жануби-шарқий қисми доирасида ҳаво орқали қўшин ва юкларни ташиш учун мўлжалланган тактик транспорт авиацияси киради ва у С-27, С-37, С-130 типидagi самолётлар ва АВ-205, АВ-212 ҳамда АS-332 типидagi вертолётлар билан таъминланган.

Ўқув авиацияси қўмондонлиги Ҳарбий ҳаво кучлари шахсий таркиби тайёргарлиги билан шуғулланади. Унга иккита ўқув авиацияси қаноти, алоҳида ўқув авиацияси эскадрильяси, «Икарон» олий ҳарбий билим юрти ва тактик авиация ўқув маркази бўйсунди. Ҳар йили ўқув муассасалари 70–100 нафар учувчи чиқаради. Дастлаб улар Т-2Е типидagi ўқув самолётларида малака ва тажриба тўплайди. Жанговар самолётларда ишлашга ўргатиш эса бевосита авиация қисмларида олиб борилади. Шунингдек, Греция учувчилари Франция ва АҚШ ўқув авиацияси билим юртларида амалиёт ўтайдилар. Мамлакат ҲҲК ҳамда НАТОнинг Бирлашган ҲҲКга қарашли қисм ва бўлинмаларни жойлаштириш учун Греция ҳудудида кенг қўламли авиабаза ва аэродромлар тармоғи яратилган. Уларнинг аксарияти НАТО стандартларига мос келади: замонавий ускуналар билан жиҳозланган, йил ва сутканинг исталган вақтида фойдаланиш учун яроқли, мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам самолётларнинг учиш ва қўнишини таъминлаш имконига эга. Кўплаб аэродромларда авиацион ўқ-дори омборлари қурилган, асосий аэродромлар эса умумий узунлиги 450 км.ни ташкил этувчи ёқилғи қувурлари линияси билан уланган.

Греция Ҳарбий ҳаво кучлари асосан АҚШ, Франция, Италия ва Бразилияда ишлаб чиқарилган самолётлар билан таъминланган. Ҳозирги даврга келиб бу турдаги қўшинлар тасарруфида турли модификациядаги F-16C/D (жами 156 та), «Мираж-2000» BGM/EGM ва «Мираж-2000-5» Mk 2 BGM/EGM (22 та) ҳамда F-4E «Фантом» (34 та) типидagi кўп мақсадли қирувчи самолётлар, С-27J «Спартан», С-130В «Геркулес», С-130Н «Геркулес», ЕМВ-135ВJ ва ЕМВ-135LR типидagi ёрдамчи авиация самолётлари (жами 25 та), Т-2Е типидagi ўқув самолётлари (40 та), АВ-205А ва АВ-212 типидagi транспорт (17 та) ҳамда АS-332С1 типидagi

қидирув ва қутқарув вертолётлари (11 та), шунингдек, «Пэтриот» ПР ПАК-3 ва С-300МУ1 типидagi катта масофаларга мўлжалланган ҳамда «Тор-М1» ва «Кроталь-НГ» типидagi яқин масофаларга мўлжалланган ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари бор.

Мавжуд самолётлар паркни модернизациялаш мақсадида Греция Қуролли Кучлари раҳбарияти ўрта муддатли истиқболда қирувчи самолётларнинг учиш ресурсини 8 минг соатгача етказиш, уларга қуролларни бошқариш учун мўлжалланган янги тизимлар ўрнатиш, реактив двигателлар ва авионикани янада

такомиллаштириш ва бошқа бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштирган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Греция Ҳарбий ҳаво кучларини янада такомиллаштириш ва замонавийлаштириш ишлари НАТОнинг Бирлашган ҲҲКни ривожлантириш дастурига мос равишда олиб борилмоқда. Умуман олганда, улар мамлакат армиясининг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга қодир ҳисобланади.



ҚЎШИН ТУРИ – ГРЕЦИЯ ҲАРБӢЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони – 26 800 киши

	Жанговар авиация самолётлари – 212 та
	Ёрдамчи авиация самолётлари – 25 та
	Ўқув самолётлари – 40 та
	Вертолётлар – 28 та
	Зенит-ракета комплекслари – 60 дан зиёд

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАЙЁР



Европа Иттифоқи Россия билан сиёсатда бардавом бўлиш ва у билан мулоқотга киришишга тайёр. ТАСС маълум қилишича, бу ҳақда Германия ташқи ишлар вазири

Хайко Маас ЕИГА аъзо давлатлар ташқи ишлар вазири Бюсселдаги йиғилишида баёнот берган. «Биз мулоқотга тайёرمиз ва ўйлаймизки, Москванинг ҳам мулоқотга қайтадиган вақти етди. Европа Иттифоқи ўз йўлидан тоймаслиги, доимо инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва мақсадлари сари яхлит ҳаракатланиши муҳим», деди у.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САЙЛОВЛАР



Арманистон Президенти Армен Саркисян мамлакат парламенти янги сайловлар ўтказилиши тўғрисидаги фармонни имзолади. Президент матбуот хизмати маълумотига

кўра, мазкур фармонга асосан навбатдан ташқари сайловлар жорий йилнинг 20 июнида ўтказилиши белгиланган. Аввалроқ, Бош вазир Николь Пашинян мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиши учун истеъфога чиққанини маълум қилган эди. Сайловгача у Бош вазир вази-фасини бажариб туриши маълум қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

САВОЛ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА



Германия ҳукумати молиялаштириш масаласини тасдиқламагани сабабли Бундесвернинг йирик лойиҳалари амалга оширилиши савол остида қолмоқда. Маз-

кур лойиҳалар орасида қурол-яроғ бўйича Европадаги энг йирик лойиҳа, яъни қиймати 100 минг евродан иборат бўлган FCAS типидagi қирувчи самолётлар яратишнинг навбатдаги босқичи, шунингдек, Германия ва Франция ҳамкорлигида яратилаётган танклар, шунингдек, Норвегия иштирокидаги сув ости кемаси лойиҳаси бор.

ЖАҲОНДА

ХОТИРА БОР ЭКАН, МИЛЛАТ БАРҲАЁТ



Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Қуролли Кучлар давлат музейида кўплаб тадбирлар, ижодий учрашув ва хотира кечалари ташкиллаштирилди.



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан Янгиҳаёт туманидаги 8-умумтаълим мактабида «Хотира бор экан, миллат барҳаёт» шиори остида музейнинг кўчма кўргазмаси ҳамда байрам дастури ташкил этилди. Кўргазманинг бадий қисмида Мудофаа вазирлиги махсус авария тиклаш бошқармасига қарашли «Импульс» ҳарбий ансамблининг байрамона концерт дастури намойиш этилди.

Музейнинг уруш даврига оид экспонатлари ва уруш қаҳрамонлари тўғрисидаги маълумотлари ўқувчи ёшларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, уруш даврида фойдаланилган қуроллар ва аскарларнинг кийим-кечаклари уларни бефарқ қолдирмади.

Гулноза УСМОНОВА,
Қуролли Кучлар давлат музейи илмий ходими

Ўзбек адабиётининг забардаст вакили, Ўзбекистон халқ шоири, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, академик Ғафур Ғулوم таваллудининг 118 йиллиги муносабати билан адиб уй-музейида Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ташаббуси билан адабий кеча бўлиб ўтди.

ҒАФУР ҒУЛОМ УЙ-МУЗЕЙИДА

Унда Ғафур Ғулум уй-музейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Олмос Аҳмедова отаси ҳақидаги хотираларини ёдга олди.

– Уруш йилларида отам ўз ижодининг бутун ҳароратини фашист босқинчиларига қарши курашаётган халққа бағишлади. «Сен етим эмассан», «Кузатиш», «Вақт», «Соғиниш» каби шеърлар, публицистик очерк ва мақолалар ёзиб, халқни жанг ва меҳнат ғалабасига отлантирди. Отам шу даврда шеърий асарлари билан шоир даражасига кўтарилган бўлса, «Шум бола» қиссаси, «Менинг ўғригина болам» сингари ҳикоялари билан халқ турмуши ва руҳини яхши билувчи, уни ўқувчига моҳирлик билан етказиб берувчи маҳоратли носир сифатида намойиш этди.

Ғафур Ғулум ҳам Иккинчи жаҳон урушида жанг қилаётган ватандошларига далда бўлиш, уларга руҳий мадад бериш учун фронтга отланган. Вайрон қилинган Украина



Муаллиф суратга олган

нани ўз кўзи билан кўрган отам «Талон-торож бўлган ўлка» номли шеър ёзганди. Ушанда ўзбек генерали Собир Раҳимов билан кўришган ва суҳбатлашган. Суҳбат охирида Собир Раҳимов ўзининг сурати орқасига «Устоз Ғафур Ғулумга эсдалик учун» деб дастхат қолдирган экан. Бу тарихий учрашувга гувоҳ бўлган Комил Яшин ўз кундаликларида бу ҳақда ёзиб қолдирган. Генерал дастхати туширилган суратнинг асл нусхасини «Шон-шараф» музейига топширганмиз.

Олмос Аҳмедованинг отаси ҳақидаги хотиралари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Лутфулла Илҳомжонов ҳарбийларни адибнинг уй-музейида сақланаётган тарихий ашёлар билан таништирди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Москвага қилган расмий сафари мобайнида Россия Президенти Владимир Путин билан учрашди. Бўлиб ўтган музокараларда асосий эътибор минтақавий хавфсизлик масалаларига, шу жумладан, Афғонистонда юзага келган вазиятга қаратилди. Тожикистон ва Афғонистон ўртасидаги чегара масофаси узунлиги сабабли В. Путин мазкур чегарани мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

МАЪЛУМОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Германия 2001–2020 йиллар давомида Афғонистондаги ҳарбий миссияси учун жами 12 миллиард евро сарфлагани маълум қилинди. Бу ҳақда DPA агентлиги хабар берди. Маълумотларга кўра, энг кўп харажат 2010–2012 йилларда, яъни Афғонистонда 5 мингга яқин немис ҳарбий хизматчиси жойлаштирилган даврда қилинган. Мазкур статистика маълумотларида Германиянинг ҳар йили инсонпарварлик ва инфратузилма лойиҳаларига ажратадиган маблағлари ҳисобга олинмаган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЯНА БИР ВАКЦИНА



Хитой Туркменистонга коронавирусга қарши қўллаш учун мўлжалланган CoronaVac вакцинасининг йирик партиясини етказиб берди. Sinovac компанияси томонидан яратилган мазкур вакцина бир қанча мамлакатларда клиник синовлардан муваффақиятли ўтган ҳамда унинг самарадорлиги ва хавфсизлиги тасдиқланган. Туркменистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотида кўра, ҳозирда аҳолини эмлаш учун «Спутник V» ва EpiWakCorona (Россия), шунингдек, BIOwax Цвакциналаридан фойдаланилмоқда.

МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбари томонидан халқ билан мулоқот қилишнинг янги чача, яъни – «маҳаллабай» ишлаш тизими яратилди.

Давлат раҳбарининг топшириқлари ижроси юзасидан Президент маслаҳатчиси ўринбосари Алишер Усманов ва Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков томонидан халқимизни рози қилиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида мунтазам равишда пойтахт туманларининг маҳаллаларида ўрганишлар олиб борилмоқда.

Шайхонтоҳур тумани, Қоратош маҳалласига бириктирилган Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигининг ҳарбий хизматчилари томонидан маҳалладаги кўп қаватли уйларнинг ташқи фасад қисмлари бўялиб, тартибга келтирилди ва 8 та болалар майдончаси, 5 та street work out (кўча спорти) жиҳозлари ўрнатилди, 5 000 кв. метрдан иборат ички йўллар асфальтланди, атрофига манзарали дарахтлар экилди.

Шу қаторда, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан Бектемир туманининг Чашма ва Иқбол маҳаллалари ўртасидаги йўллар ободонлаштирилиб, йўл четига пиёдалар ва велойўлаклар қурилди, болалар майдончалари жиҳозланди, маҳалладаги кўп қаватли уйлар, хусусий уйларнинг фасад қисмлари таъмирланиб, бўялди.

Ўрганишлар давомида маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолини қийнаб келган муаммолар уйма-уй юриб аниқланиб, уларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Қайд этиш лозимки, пойтахтимизнинг барча туманларида ички кўчаларни асфальтлаш, street work out, болалар ўйингоҳлари ва спорт майдончалари, минифутбол иншоотлари қуриш, пиёдалар йўлаклари, кўп қаватли уйларнинг ташқи фасад қисмларини бўяш, томларини таъмирлаш, носоз лифтларни янгисига алмаштириш, ҳудудларни тозалаш, мевали ҳамда манзарали дарахтлар экиш каби ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.



Маҳалла оқсоқолларининг маҳаллаларни янада обод қилиш бўйича таклифлари тингланб, масъулларга тегишли тавсия ва топшириқлар берилмоқда. Бундан ташқари ўрганишлар жараёнида масъулларга «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга аҳоли вакиллари, хусусан, маҳалла оқсоқоллари билан очик мулоқотлар ўтказилиб, уларга мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар юзасидан маълумотлар, уларнинг саволлари юзасидан тушунтиришлар берилмоқда.

Адлия подполковниги Шерзод ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қашқадарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Шаҳрисабз автомобиль мактаби томонидан ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказишдек хайрли ишларда фаоллик кўрсатилмоқда.

Хусусан, Шаҳрисабз туманидаги барча ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Яқинда автомобиль мактабида бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни» тадбири ана шулар жумласидандир. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, Ёшлар иттифоқи Шаҳрисабз туман кенгаши, мудофаа, халқ таълими, Ёшлар агентлиги бўлимлари, «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари ҳамда маҳалла фаоллари ва мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад, «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти, унинг ривожланиш йўналишлари, юртимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида аҳолига, айниқса, ёшларга етказиш, ташкилот фаолияти тўғрисида тасаввур шакллантириш ва унинг сафига кириш иштиёқини ўйғотишдан иборатдир.

Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга ундайдиган чиқишлар ҳамда юртни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар замирида ёшларни ўз юртига содиқ, онгли фуқаролар сифатида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик ғояларини камол топтиришдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ТАРҒИБОТИ



Алишер ХИДИРОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти Шаҳрисабз
автомобиль мактаби бошлиғи


BOLAJON



G'UZ JO'NATSAM, PATINI YULIB OLMAYSIZMI-A?

Bir podshoh vaziri bilan qishloqni aylanib yursa, bir chol o'tin terib yurgan ekan. Shunda podshoh so'rabdi:

- Ha, otaxon, qishning sovuq kunida nima harakat?
- Otaxon:
- Tirikchilik, shohim.
- Podshoh:
- Uchni birga urmaganmidingiz, qishda o'tin terib yuribsiz?
- Otaxon:
- Uchni birga urgandim, 32 qo'ymayapti-da.
- Podshoh:
- 32 dan nechta?
- Otaxon:
- Oltita, shohim.
- Podshoh:
- Men bir g'oz jo'natsam, patini yulib olmysizmi?
- Otaxon:
- Mayli, shohim, agar siz shuni ixtiyor etsangiz...
- Podshoh:
- Unda kelishdik.



Shoh va vazir saroyga qaytishibdi.

Vazir ularning suhbatidan hayron bo'lib, shohga debdi:

- Shohim, siz boya otaxon bilan nima haqida gaplashdingiz?

Podshoh darg'azab bo'lib: "Shuni ham bilmaysanmi? Men seni nega vazir qilib olib yuribman-a? Senga muhlat, zehningni ishlat-chi, topolarmikansan?" debdi.

Vazir rosa o'ylanib, topolmabdi. Oxiri otaxonning yoniga borib, o'sha kungi suhbat nima haqida bo'lganligini o'zidan so'rab qo'ya qolishga qaror qilibdi. Otaxon baribir aytmabdi. "Agar shohim aytmagan bo'lsa, men ham aytmayman", debdi.

Shunda vazir bir xalta tillo berib, aytishini iltimos qilibdi: "Aytmasangiz, shoh mening kallamni oladi", debdi. Otaxon rozi bo'libdi va aytibdi:

- Uchni birga urmaganmidingiz, ya'ni uch faslda qishga taraddud ko'rib olmaganmidingiz, sovuqda o'tin teryapsiz, dedi. Ko'rgandim, lekin 32 qo'ymayapti, ya'ni 32 ta tish qo'ymayapti, topganimizni yeyapmiz, dedim. 32 dan nechta, dedi. 32 soni tishni anglatadi. 6 ta, ya'ni oilada 6 kishimiz, dedim. Bir g'oz yuborsam, patini yulmaysizmi, dedi shoh. Ya'ni menga himmat ko'rsatdi. Bajonidil, dedim. Mana, podshoh g'oz sifatida sizni yubordi. Men patingizni yuldim, ya'ni tillalaringizni shu gaplar evaziga oldim, - deb kulibdi.

Vazir cholning zehninga qoyil qolibdi va sekin ortiga qaytibdi.

"Hikmatlar xazinasi" kitobidan olindi.

LABIRINT




KIM? NIMA? QAYERDA?




MATEMATIKA OLAMI

 +  = 

 +  = 

 +  = 

 +  +  +  =



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» номли танлов эълон қилади.

Уикки йўналишда ўтказилади.

1. «Ўзбекистон ёшлар нигоҳида» номли расмлар (фотосуратлар) танлови.

2. «Она Ватанимнинг буюк фарзандлари», «Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман», «Ватанга хизмат қилиш – буюк мақсадим» мавзуларида мақолалар танлови.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад, ҳарбий хизматчилар ўртасида буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга бўлган муносабатининг, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, шу жумладан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг расмлар ва мақолаларда акс эттирилишга бўлган интилишларини рағбатлантиришдан иборат.

Унда иштирок этиш истиагида бўлсангиз, ўз ижодий ишларингизни 2021 йилнинг 16 апрелидан 10 августига қадар «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти – Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй ёки vatanparvar09@mail.ru электрон почта манзилига, шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғи орқали 90-968-62-08 рақамига юборишингиз мумкин.

«ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ»



Танлов учун тақдим этилган ижодий ишлар (*word шаклидаги мақолалар; 10 тагача бўлган расмлар*) электрон шаклда қабул қилинади ва энг саралари (*расм ва мақолалар*) газета саҳифаларида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» рукни остида эълон қилиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

муаллифнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
муаллифнинг манзили ва телефон рақами;
муаллифнинг хизмат жойи.

Тақдим этилган ижодий ишлар таҳририят ижодий ходимларидан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Ғолиблар ҳар икки йўналиш (*расм ва мақолалар*) бўйича қуйи-

даги алоҳида мукофотлар билан тақдирланади:

1-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 (*саккиз*) баробари, китоб ва диплом;

2-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (*олти*) баробари, китоб ва диплом;

3-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (*тўрт*) баробари, китоб ва диплом.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар 2021 йилнинг 24 августига – Мустақиллик куни арафасида Қуролли Кучлар давлат музейида тантанали равишда топширилади.

Омад сизга ёр бўлсин!

**«Ватанпарвар»
Бирлашган таҳририяти**

БИР ЧИМДИМ

Бу дунё кураш
майдонидир. Бу
майдоннинг қуроли
соғлом жисму тан, ўткир
ақл ва яхши ахлоқдир.

Абдурауф ФИТРАТ

БИЛАСИЗМИ?

«МИҚ» ҚАЛЪАСИ – Зомин тумани Миллий боғ ҳудудида, «Еттикечув» водийсининг Чортанги дарасига туташ манзилда, тоғ устида жойлашган тарихий обида. Тоғ тошлар, тупроқ ва қум аралашмаларидан бунёд этилган қалъа қолдиқлари тахминларга кўра, милодий йилнинг бошларида қурилган. Қазилмалар натижасида бу ердан VI-VII асрларга тааллуқли тангалар, жез буюмлари, мато ва темир қолдиқлари топилган.

БИЛАСИЗМИ?

ТУРКТОЗ – от қўйиб, тўсатдан ҳужум қилиб талон-торож қилиш усули. Туркий халқларнинг ушбу ҳарбий тактик усули жангларда ғаним қалбига ғулғула солиш, қўққисдан ҳамла қилиш, душман кучларини пароканда қилиш, зарур бўлганда, «тил» олиш, турли шаклдаги ўлжани қўлга киритиш мақсадида қўлланган. Турктоз аксарият енгил қуролланган, унча катта бўлмаган суворий гуруҳлар томонидан амалга оширилган. Турктоз суворийлари Қорахонийларда «ақинчи», Темурийларда «чопқунчи», Шайбонийларда «юртовул» деб аталган.



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Қаҳрамонсан, сира
ўлмайсан!

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳрор Очиллов

Навбатчи:

лейтенант
Исломжон Қўчқоров

Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева
Дилноза Мелиқўзиева

Мусахҳихлар:

Зебо Сариева
Сайёра Мирзаева

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримлик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-205.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 34 094 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.